

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус
Таълим Вазирлиги**

Қарши Мухандислик Иқтисодиёт Институтини



Нефт ва газ факультети

**5541800 - “Геология-қидирув ишларининг техника ва
технологияси” бакалавр таълим йўналиши талабаси
Мухаммадиев Отабек Ахмадовичнинг**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Горизонтал қудуқларнинг тугаллаш хусусиятларини
ўрганиш

Рахбар:

доц. Т.Р.Юлдашев

Битирувчи:

О.А.Мухаммадиев

«Ҳимояга рухсат этилди»
«ТМЖ» кафедраси мудири
_____**доц. Х.Қ.Эшқабиллов**

имзо илмий унвони, Ф.И.Ш

« ____ » _____ 2013 йил

«Ҳимоя учун ДАК га юборилди»
Факультет декани

_____**доц. З.У.Суннатов**

имзо илмий унвони, Ф.И.Ш

« ____ » _____ 2013 йил

Қарши - 2013 йил

Қарши Мухандислик Иқтисодиёт Институти

“ТМЖ” кафедраси мудири

доц. Х.Қ.Эшкабилов

(имзо, ф.и.ш)

“ ____ ” _____ 2013 йил

Битирув малакавий иши буйича

Т О П Ш И Р И Қ

Талаба: Мухаммадиев Отабек Ахмадович

1. Малакавий иш мавзуси: Горизонтал кудукларнинг тугаллаш хусусиятларини ўрганиш.

Институтнинг №561/Т буйруғи билан 29.11.2012 йилда тасдиқланган.

2. Малакавий ишни топшириш муддати 20.06.2013 йил.

3. Малакавий иш учун маълумотлар “Хисоролди нефт ва газ қидирув экспедицияси” ШК архив ва йиллик ҳисобот маълумотлари, техник адабиётлар, интернет маълумотлари, илмий журналлар.

4. Ҳисобий изох қисмининг мазмуни (ишлаб чиқилиши лозим бўлган саволлар рўйхати) Кириш, геологик қисм, асосий қисм, меҳнат муҳофазаси ва техник хавфсизлиги, атроф муҳит муҳофазаси, иқтисодий қисм.

5. Чизмалар рўйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графиклар)

1. Горизонтал кудукнинг умумий схемаси тасвирланган
2. Кудукларни горизонтал ствол билан тугаллаш технологияси
3. Горизонтал кудукларда қўлланиладиган ҳар хил филтрлар
4. Шимолий Шўртан №15 Г кудуғининг лойиҳавий конструкцияси.

6. Малакавий иш буйича маслаҳатчилар:

доц. Т.Р.Юлдошев

**Кундузги бўлим битирувчи талабалар учун малакавий битирув ишини
бажарилиши бўйича календар график**

Хафталар сони	Малакавий ишнинг бўлимлари	Малакавий ишнинг ҳажми, бет	Умумий ҳажмга нисбатан, %	Бажарилганлиги тўғрисида белги
01.02.13-09.02.13	Кириш	6	6	Бажарилган
01.02.13-26.02.13	Геологик қисм	16	17	Бажарилган
01.05.13-02.06.13	Асосий қисм	45	46	Бажарилган
01.04.13-01.05.13	Атроф муҳит муҳофазаси	10	10	Бажарилган
01.04.13-01.05.13	Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги	11	11	Бажарилган
01.05.13-23.05.13	Иқтисодий қисм	4	4	Бажарилган
25.05.13-01.06.13	Хулоса	3	3	Бажарилган
	Адабиётлар	3	3	Бажарилган
01.06.13-20.06.13	Чизмаларни жиҳозлаш	4		Бажарилган
	Жами:	98	100	

Топшириқ олинган кун: 30.01.2013 йил

Рахбар:

доц. Т.Р.Юлдашев

Талаба:

О.А.Мухаммадиев

**O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta Maxsus
Ta'lim vazirligi**

Qarshi Muhandislik Iqtisodiyot Instituti



Neft va Gaz Fakulteti

**5541800 - “Geologiya-qidiruv ishlarining texnika va texnologiyasi”
bakalavr ta'lim yo'nalishi talabasi
Maxammadiev Otabek Axmadovichning**

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Mavzu: Gorizontall quduqlarning tugallash xususiyatlarini o'rganish

Rahbar:

dots. T.R.Yuldashev

Bitiruvchi:

O.A.Maxammadiev

«Himoyaga ruxsat etildi»
“TMJ” kafedrasi mudiri
_____**dots. X.Q.Eshkabilov**
imzo ilmiy unvoni, F.I.SH.
«__» _____ 2013 yil

«Himoya uchun DAK ga yuborildi»
Fakultetdekani:
_____**dots. Z.U.Sunnatov**
imzo ilmiy unvoni, F.I.SH.
«__» _____ 2013 yil

Qarshi - 2013 yil

Qarshi Muhandislik Iqtisodiyot Instituti

“TMJ” kafedrası mudiri

dots. X.Q.Eshkabilov

(imzo,f.i.sh)

«__» _____ 2013 yil

Bitiruv malakaviy ishi bo'yicha

T O P S H I R I Q

Talaba: Maxammadiev Otabek Axmadovich

1. Malakaviy ish mavzusi: Gorizonta! quduqlarning tugallash xususiyatlarini o'rganish

Institutning №563/T buyrug'i bilan 19.11.2011 yilda tasdiqlangan

2. Malakaviy ishini topshirish muddati 25.06.2013 yil.

3. Malakaviy ish uchun malumotlar “Sho'rtanneftgaz” USHK arxiv va yillik hisobotlari malumotlari, texnik adabiyotlar, internet malumotlari, ilmiy jurnallar, o'quv adabiyotlari.

4. Xisobiy izox qismining mazmuni (ishlab chiqilishi lozim bo'lgan savollar ruyxati) Kirish, geologik qism, asosiy qism, mehnat muhofazasi va texnik xavfsizligi, atrof muxit muhofazasi, iqtisodiy qism..

5. Chizmalar ruyxati (bajarilishi shart bulgan chizma va grafiklar)

1. Sirkulyatsiya tizimining sxemasi.
2. Tozalash bloki sxemasi.
3. Eritmalarni tayyorlash blokini sxemasi.
4. Burg'ilash aralashmalarini tayyorlashning soda sxemasi.

6. Malakaviy ish bo'yicha maslahatchilar:

O.B.Yakubov

**Kunduzgi bo'lim bitiruvchi talabalar uchun malakaviy bitiruv ishini
bajarilishi bo'yicha calendar grafik**

Haftalar soni	Malakaviy ishning bo'limlari	Malakaviy ishning hajmi, bet	Umumiy hajmga nisbatan, %	Bajarilganligi to'g'risida belgi
14.05.13-19.05.13	Kirish	5	4	Bajarilgan
21.05.13-26.05.13	Geologik qism	25	18	Bajarilgan
28.05.13-02.06.13	Asosiy qism	45	45	Bajarilgan
04.06.13-09.06.13	Atrof muhit muhofazasi	10	15	Bajarilgan
11.06.13-16.06.13	Mehnat muhofazasi va texnika xavfsizligi	11	12	Bajarilgan
18.06.13-23.06.13	Iqtisodiy qism	4	3	Bajarilgan
	Xulosa	3	1	Bajarilgan
	Adabiyotlar	3	2	Bajarilgan
	Chizmalarni jihozlash	4		
	Jami:	141	100	

Topshiriq olingan kun: 09.04.2013 yil

Rahbar:

dots. T.R.Yuldashev

Bitiruvchi:

O.A.Maxammadiev

Қарши Мухандислик Иқтисодиёт Институти

Битирув малакавий иш бўйича раҳбарнинг тақризи

Талаба: Мухаммадиев Отабек Ахмадович

Малакавий иш мавзуси: Горизонтал қудуқларнинг тугаллаш хусусиятларини ўрганиш.

Малакавий иш ҳажми:	98
Ёзма изох қисми:	94
Чизмалар сони:	4

Мавзунинг долзарблиги: Нефт ва газ казиб олишни жадаллаштиришда горизонтал қудуқлардан самарали фойдаланилмоқда. Горизонтал қудуқларнинг самарадорлигини юқори бўлиши тугаллаш жараёни билан боғлиқдир.

Битирувчининг умумтехник ва махсус тайёргарлиги тавсифи: Битирувчининг умумтехник ва махсус фанларни ўзлаштириш даражаси, кўпроқ мустақил ишлашга ва соҳани ўзлаштира келажакда яхши мутахассис бўлиб етишади.

Битирувчи талабанинг мустақил ишни бажариш лаёқати, махсус адабиётлардан фойдаланиш қobiliяти ва шахсий хусусиятлари. Битирув малакавий ишни бажаришда кон маълумотлари хисоботлари, илмий манбалардан, фан ва техника ютуқлари, илғор техника тажрибаларидан ҳамда интернет маълумотларидан фойдалана олган, битирувчи берилган мавзу бўйича топшириқларни ўз вақтида бажарди, интилувчан ва ўз устида мустақил ишлаш қobiliятига эга.

Малакавий ишнинг ижобий томонлари: Битирув малакавий ишда горизонтал қудуқларни қўллаш, тугаллашда бурғилаш эритмаларига қўйилган талаблар, маҳсулдор қатламни очиш қудуқларни самарали тугаллаш, қудуқларни тугаллаш технологиясини яхшилаш, қудуқлар ишга туширилгандан кейин замонавий техника ва технологияларни қўллаш бўйича янги маълумотларни ўрганиб чиққан ва кўрсатмалар берган. Бу маълумотлардан ўқув жараёнида фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Малакавий иш баҳоси: (максимал балл-100 балл) 90 балл.

Малакавий иш раҳбари:

доц.Т.Р.Юлдашев

«_____» _____ 2013 йил

Қарши Мухандислик Иқтисодиёт Институтини

Нефт ва газ факультети “Технологик машиналар ва жиҳозлар” таълим

йўналиши

Мухаммадиев Отабек Ахмадовичнинг битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Малакавий иш мавзуси: Горизонтал кудуқларнинг тугаллаш хусусиятларини ўрганиш

Малакавий ишнинг ҳажми: 98

а) ёзма изоҳ қисми: варақлар сони: 94

б) график қисми: чизмалар сони: 4

Малакавий иш мавзусининг долзарблиги ва берилган топшириққа мослиги:

Битирув малакавий иши берилган мавзуга мос келади, танланган мавзу долзарбдир. Нефт ва газ қазиб олишни кучайтиришни энг замонавий йўлларида бири горизонтал кудуқлардан фойдаланишдир.

Малакавий ишнинг ёзма изоҳ ва график материалларининг таркиби ва бажарилиш сифати: Битирув малакавий ишнинг ёзма изоҳ ва график материалларининг таркиби тўлиқ, бажарилиш сифати талаб даражасида.

Малакавий ишда илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илгор тажриба натижаларидан фойдаланилганлиги: Битирув малакавий ишда “Ўзгеобурғунефтгаз” АК ва “Ҳисоролди нефт ва газ қидирув экспедицияси” ШК маълумотларидан, илмий адабиётлар, илмий мақолалар, фан-техника ютуқлари ва интернет маълумотларидан унумли фойдаланилган.

Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси қисмининг ёритилганлиги: Битирув малакавий ишда умумий қисм, асосий қисм, атроф муҳит муҳофазаси, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги ва иқтисодий қисмларини ёритилиши талаб даражасида.

Малакавий ишнинг техник-иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги: Малакавий иш техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган, конни жорий ҳолати таҳлил қилинган, қолдиқ уюмлар зоналар бўйича ўрганилган ва истикболли кўрсаткичлари бўйича тавсиялар берилган.

Малакавий ишнинг ижобий томонлари ва амалий аҳамияти: Битирув малакавий ишини асослаш учун битирувчи кўпгина янги маълумотларни таҳлил қилган ва интернет маълумотларидан самарали фойдаланган. Горизонтал кудуқларни бурғилаш жараёнида учрайдиган бир қатор муаммоларни тўлиқ ёритишга ҳаракат қилган ва ўз фикрларини баён қилган. Горизонтал кудуқларни перфорация қилиш технологияларини ўрганган ва уларда қўлланиладиган технологик жиҳозларни таҳлил қилиб чиққан. Амалий мисол тариқасида Шимолий Шўртан конидаги горизонтал кудуқ олиниб унда қўлланиладиган жамланмаларнинг таркиби ишлаб чиқилган ва мустаҳкамлаш ҳисоблари амалга оширилган. Битирув малакавий иши талаб даражасида, режага мос келади ва тўлиқ ёритилган.

Малакавий ишдаги камчиликлар: Битирув малакавий ишда камчиликлар кузатилмади.

Малакавий битирув ишнинг баҳоси (максимал балл – 100 балл) ва битирувчига унга мос йўналиш бўйича «Бакалавр даражаси» берилиши мумкинлиги тўғрисида хулоса: Малакавий битирув иши 89 балга баҳоланди ва битирувчига «Бакалавр даражаси» берилишига лойиқ.

“Ҳисоролди нефт ва газ қидирув
экспедицияси” ШК

« _____ » 2013 йил

Қарши Мухандислик Иқтисодиёт Институти

Битирув малакавий иш бўйича раҳбарнинг тақризи

Талаба: Мухаммадиев Отабек Ахмадович

Малакавий иш мавзуси: Горизонтал кудуқларнинг тугаллаш хусусиятларини ўрганиш

Малакавий иш ҳажми: 96

Ёзма изоҳ қисми: 92

Чизмалар сони: 4

Мавзунинг долзарблиги: Нефт ва газ қазиб олишни жадаллаштиришда горизонтал кудуқлардан самарали фойдаланилмоқда. Горизонтал кудуқларни самарали ишга тушириш учун янги техника ва технологиялардан фойдаланиш ҳамда кўпгина муаммоли масалаларни ечишга тўғри келади.

Битирувчининг умумтехник ва махсус тайёргарлиги тавсифи: Битирувчининг умумтехник ва махсус фанларни ўзлаштириш даражаси, кўпроқ мустақил ишлашга ва соҳани ўзлаштира келажакда яхши мутахассис бўлиб етишади.

Битирувчи талабанинг мустақил ишни бажариш лаёқати, махсус адабиётлардан фойдаланиш қобилияти ва шахсий хусусиятлари. Битирув малакавий ишни бажаришда кон маълумотлари хисоботлари, илмий манбалардан, фан ва техника ютуқлари, илғор техника тажрибаларидан ҳамда интернет маълумотларидан фойдалана олган, битирувчи берилган мавзу бўйича топшириқларни ўз вақтида бажарди, интилувчан ва ўз устида мустақил ишлаш қобилиятига эга.

Малакавий ишнинг ижобий томонлари: Битирув малакавий ишда горизонтал кудуқларни қўллаш, профилларни танлаш, қўлланиладиган жамланмаларни асослаш бурғилаш жараёнини профилини тўғри олиб боришни таъминлаш учун электро телеметрик ва турбо телеметрик тизимлардан фойдаланиш асосланган. Россия давлатида бурғиланган кудуқлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилиб чиқилган. Горизонтал кудуқларни эгриланишида қўлланиладиган бурғилаш тизмасини остки жамланмасини таркиби ўрганилган. Битирувчи томонидан горизонтал кудуқларни бурғилаш тўғрисида янги маълумотлар келтирилган бўлиб ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин. Битирувчи ўзининг олдида қуйган вазифани тўлиқ амалга оширган.

Малакавий иш баҳоси: (максимал балл-100 балл) 86 балл.

Малакавий иш раҳбари:

Юлдошев Т.Р.

“ _____ ” 2013 йил

Қарши Мухандислик Иқтисодиёт Институтини
Нефт ва газ факультети “Нефт ва газ саноатининг машина ва жиҳозлари”
таълим йўналиши
Мухаммадиев Отабек Ахмадовичнинг битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Малакавий иш мавзуси: Горизонтал қудуқларнинг тугаллаш хусусиятларини ўрганиш

Малакавий ишнинг ҳажми:	96
а) ёзма изоҳ қисми: varaқлар сони:	92
б) график қисми: чизмалар сони:	4

Малакавий иш мавзусининг долзарблиги ва берилган топишириққа мослиги: Битирув малакавий иши берилган мавзуга мос келади, танланган мавзу долзарбдир. Нефт ва газ қазиб олишни кучайтиришни энг замонавий йўлларида бири горизонтал қудуқлардан фойдаланишдир.

Малакавий ишнинг ёзма изоҳ ва график материалларининг таркиби ва бажарилиши сифати: Битирув малакавий ишнинг ёзма изоҳ ва график материалларининг таркиби тўлиқ, бажарилиш сифати талаб даражасида.

Малакавий ишда илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илгор тажриба натижаларидан фойдаланилганлиги: Битирув малакавий ишда “Ўзгеобурғунефтгаз” АҚ ва “Қашқадарё пармалаш ишлари” ОАЖ маълумотларидан, илмий адабиётлар, илмий мақолалар, фан-техника ютуқлари ва интернет маълумотларидан унумли фойдаланилган.

Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси қисмининг ёритилганлиги: Битирув малакавий ишда атроф муҳит муҳофазаси, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қисмлари ёритилиши талаб даражасида.

Малакавий ишнинг техник-иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги: Малакавий иш техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган, хулоса ва тавсиялар берилган технологик ечимлар келтирилган.

Малакавий ишнинг ижобий томонлари ва амалий аҳамияти: Битирув малакавий ишини асослаш учун битирувчи кўпгина янги маълумотларни таҳлил қилган ва интернет маълумотларидан самарали фойдаланган. Горизонтал қудуқларни бурғилаш жараёнида учрайдиган бир қатор муаммоларни тўлиқ ёритишга ҳаракат қилган ва ўз фикрларини баён қилган. Битирувчи горизонтал қудуқларни бурғилаш жараёнида учрайдиган кўпгина мураккабликларни ечимини топишга ҳаракат қилган ва таҳлил қилиб чиққан. Битирув малакавий иши долзарб муаммога бағишланган ва мавзунинг таркибий қисми тўлиқ ёритилган.

Малакавий ишдаги камчиликлар: Битирув малакавий ишда камчиликлар кузатилмади.

Малакавий битирув ишнинг баҳоси (максимал балл – 100 балл) ва битирувчига унга мос йўналиш бўйича «Бакалавр даражаси» берилиши мумкинлиги тўғрисида хулоса: Малакавий битирув иши 80 балга баҳоланди ва битирувчига «Бакалавр даражаси» берилишига лойиқ.

Такризчи:

“Геобурғусервис” ШК муҳандис
технологи Абдуллаев Л.О
« ____ » _____ 2013 йил

Горизонтал кудукларнинг тугаллаш хусусиятларини ўрганиш

Мундарижа

Кириш

I. Геологик қисм.

- I.1. Жанубий Кемачи кони ҳақида умумий маълумотлар.
- I.2. Жанубий Кемачи конининг геологик – геофизик тавсифномаси.
- I.3. Маҳсулдор горизонтнинг асосий параметрлари.
- I.3.6. Қатлам нефтининг тавсифи.
- I.4. Гидрогеологик тавсифи.
- I.5. Нефт газ конденсат захираси.

II. Асосий қисм.

- II.1. Коннинг кўрсаткичлари бўйича маълумот
- II.2. Кондан қазиб олинган маҳсулотлар ҳақида маълумот
- II.3. Жанубий Кемачи конида горизонтал кудуклардан нефт қазиб олиш жараёни ҳолатини таҳлил қилиш.
- II.4. Горизонтал кудукларни турини танлаш.
- II.5. Кудукларни тугаллаш усулини танлашга таъсир этувчи омиллар.
- II.6. Горизонтал кудукларни тугаллашда бурғилаш эритмаларига қуйилган талабларни ўрганиш
- II.7. Горизонтал кудукларда маҳсулдор қатламни очиш.
- II.8. Горизонтал стволларни тугаллаш технологияси ва усуллари
- II.9. Кудукларни тугаллаш технологиясини яхшилаш.
- II.10. Кудукларни тугаллашни усуллари танлашда таъсир этувчи омиллар
- II.11. Горизонтал кудукларни перфорация қилиш
- II.12. Горизонтал кудукни гравийли фильтр билан тугаллаш.
- II.13. Горизонтал кудукларда қатламларни ажратишда бошқариладиган КРР жамланмасининг техника ва технологиясини қўллаш

III. Атроф муҳит муҳофаси.

- III.1. Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш.
- III.2. Нефт ва газни кидиришда, ишлатишда ва сақлашдаги муҳофаза қилиш тадбирлари.
- III.3. Атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш.

IV. Меҳнат муҳофазаси ва техника ҳавфсизлиги

- IV.1. Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари.
- IV.2. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат назорати ташкилотлари.
- IV.3. Иш вақти ва ундан фойдаланиш
- IV.4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНИТАРИЯСИ
- IV.5. САНОАТ ВЕНТИЛЯЦИЯСИ (шамоллатиш қурилмалари)
- IV.6. САНОАТНИ ЁРИТИШ
- IV.7. Тебранишдан ва шовқиндан ҳимоялаш
- IV.8. Ёнгин ҳавфсизлиги олдини олиш ва биринчи ёрдам курсатиш.
- IV.9. Газларни чангдан ва суюқлик заррачаларидан тозалаш.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар.

Интернет сайтлари

Кириш.

Президент И.А.Каримовнинг “2012 йилда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган” Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида нефт ва газ тармоғини ривожлантириш бўйича бир қатор масалалар тўғрисида вазифалар белгиланди [1].

Айни пайтда, шуни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз керакки, иқтисодий ўсишни таъминлаш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топиш энг муҳим бир вазифани муваффақиятли ҳал этишни талаб қилади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратишимизни кўрсатиб ўтди.

Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узок муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгартиришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2013 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.

Бу лойиҳалар синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлар, суюлтирилган ва сиқилган табиий газ ишлаб чиқариш бўйича янги замонавий газ-кимё комплексларини барпо этиш, энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида минерал ўғитлар ҳамда янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, эскирган ускуналарни замонавий бугаз қурилмалари билан алмаштириш ҳисобидан энергетика тармоғини жадал ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилишини кўрсатиб ўтди.

Муборак газни қайта ишлаш заводи ва Шўртаннефтгаз мажмуасида суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун пропан-бутан аралашмаси мосламаларини қуриш, стратегик лойиҳаларни амалга ошириш алоҳида истиқболли аҳамиятга эгадир.

Муборак газни қайта ишлаш заводида 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. “Шўртаннефтгаз” УШК корхонасида эса пропан-бутан қоришмаси асосида 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган қурилма ўрнатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2012 йилда Сурғил кони базасида, ҳатто, дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 25 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилади ва бу корхона 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради.

Бугунги кунда нефтгаз ва газконденсатлари маҳсулотларига бўлган талабни ошиб кетганлиги сабабли, ҳамда аҳоли тоза газ маҳсулотлари таъминлаш, транспорт воситаларини ёқилғи ресурслар билан таъминлаш учун

геологик қидирув ишларини кучайтириш, янги майдонларни очиш, конларни ишга тушириш, эски конларни янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш зарурдир.

Ҳозирги кунда қуриб ишга туширилган горизонтал қудуқларни иқтисодий самарадорлигини таҳлил қиладиган бўлсак, олинадиган маҳсулот дебити 2 бароваридан 5 бароваригача кўп маҳсулот бераётганлиги маълумдир.

Шунинг учун янги очиладиган конларда горизонтал қудуқларни бурғилаш зарурдир. Қудуқларни бурғилаб бирламчи очиш ва иккиламчи очиш ишларини самарадорлиги бурғилаш эритмаларини турини тўғри танланишига ва геологик қирқим жинсларига мос келиши қудуқни ишга тушириш муддатини қисқартиришга олиб келади. Бунинг натижасида иқтисодий самарадорликка эришилади. Махсулдор қатламдан оқимни чақиришни жадаллаштириш учун махсус эритмалардан фойдаланиш керак. Битирув малакавий ишда махсулдор қатлам коллектор хоссаларини сақланиб қолишига эришиш ва оқимни чақиришни жадаллаштириш, ҳамда қудуқни маҳсулот бераолувчанлик масаласини кўриб чиқиш долзарб мавзулардан биридир.

Шимолий Шўртан, Крук, Кўкдумалоқ, Жанубий Кемачи конидан нефт казиб олишни энг самарали йўлларида бири горизонтал қудуқлардан фойдаланиш эканлигини, конни ишлатиш тажрибалари кўрсатади. Шимолий Шўртан кони нефт уюмларини ишлатишни иккинчи босқичида сувланган, тугатилган ва тугатилиши кутилаётган қудуқларда қия йўналтирилган стволларни қирқиш ва горизонтал қудуқларни бурғилаш ишларини давом эттириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Мавзунинг долзарблиги. Горизонтал қудуқларни кам дебитли ва қалинлиги кичик бўлган қатламларда ҳамда қолдиқ нефт маҳсулотларини қазиб олишда қўллаш тик қудуқларга нисбатан 2-8 мартага юқори самаралидир. Горизонтал қудуқларнинг тугалланишида маҳсулдор қатлам конструкциясини тўғри танлаши кўп омилларга боғлиқдир. Кейинги йилларда АҚШ ва Россия давлатларида горизонтал қудуқларни бурғилаш технологияси юқори бўлиб, маҳсулот дебити катталиги асослангандир. Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда горизонтал қудуқларни бурғилаб ишга тушириш кўрсатгичи пасайган. Горизонтал қудуқларни самарали бурғилаш ва қуйқумларнинг сифатли ювилиши горизонтал участкани самарали тугаллаб ишга туширилиши билан боғлиқдир. Горизонтал қудуқларни самарали тугалланиши қудуқ туби конструкциясини янги технологияларини қўлланилишини талаб қилади ва бундай маълумотларни ўзбек тилида ёритилиши талабаларда ва шу соҳа мутахассисларида қизиқишни ўйғотади.

Бугунги кунда горизонтал, тик, қия ва радиал йўналтирилган қудуқларни бурғилаш жараёнини олиб борилиши, маҳсулдор қатламни очилиши ва сифатли ўзлаштирилиши, қудуқ деворига бурғилаш асбобларини ёпишиб ва тўхтаб қолиши ҳолатларини ҳаммаси бурғилаш эритмасини циркуляцияси билан боғлиқдир ва шу жараёндаги масалаларни ўрганиш долзарбдир.

Маърузанинг мақсади ва вазифалар. Горизонтал қудуқларнинг тугаллашда бурғилаш эритмаларига қуйилган талаблар ва мураккабликларнинг келиб чиқиши, қудуқ тубини тугаллаш конструкциясини танлашни асослаш каби муҳим масалалар тўғрисидаги муаммоларни ёритишдан иборат.

Қудуқ конструкциясини асослаш, циркуляция тизимининг параметрларини ва жамланмасини тўғри танлаш, қудуқни ювишни технологик жараёнини ишлаб чиқиш ва циркуляцияда гидравлик ҳисобни олиб бориш ва қудуқдан қуйқумларни ювилиб чиқишини таъминлашдан иборат.

Маърузанинг амалий аҳамияти. Бурғилаш эритмаларини қудуқ стволи мустаҳкамлигига таъсир этиши, қуйқумларни ювилиш даражаси, цементлаш сифатини ёмонлиги ҳар хил мураккабликларни келтириб чиқаради. Қудуқларни сифатли тугаллашда мураккабликларнинг олди олиниши ва бурғилаш эритмаларини тўғри танланиши қудуқ туби конструкциясини тўғри асослашга олиб келади.

Циркуляция тизимини параметрларини асослаш, ювиш жараёнини олиб бориш режимини ўрнатиш ва унинг гидравлик ҳисоби амалий аҳамиятга эгадир.

Маърузанинг илмийлиги. Маърузада горизонтал қудуқларнинг тугалланишини яхшилаш, бурғилаш эритмаларини таркиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, қудуқни ишга туширишда қўлланиладиган янги қудуқ туби жамланмасининг техника ва технологиясини қўллаш доир тақлифлар берилган. Циркуляция тизимининг жамланмаси ва параметрлари тўғри

танланади, қудукқа ҳайдаладиган ва ундан қайтиб чиқиб қайта тайёрланадиган эритмаларнинг сифати яхшиланади, қудук стволида ўтириб қолишлар содир бўлмайди, қўшимча ҳаражатларни келиб чиқишига йўл қўйилмайди, коллекторларнинг ифлосланиши содир бўлмайди, қудук жиҳозлари ва насосларини тўғри танланиши ҳисобига қудук ўз вақтида ишга туширилиб, маҳсулот олишга эришилади.

Бурғилаш аралашмаларини таркиби сифатли танланиши ва янги комплекс хусусиятга эга бўлган эритмаларни ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Маърузанинг илмий янгиликлари. Горизонтал қудукларнинг тугаллашда қўлланиладиган бурғилаш эритмаларига қўйилган талаблар ёритилган, қудук тубининг тугалланиш конструкциялари келтирилган ва асосланган. Қудукнинг горизонтал участкасини ажратишда ўрнатиладиган КРР-146 жамланмани таркиби ва ишлатиш жараёнининг тартиблари ўрганилган. КРР-146 жамланманинг таркибига кирувчи элементларини тузилиши ва ишга қўшиш жараёнлари ўрганилиб, уларни қўллаш тавсия қилинган.

Тадқиқот объекти. “Ўзгеобурғунефтгаз” АК ва компания таркибидаги нефт ва газ қудукларини қидирув экспедициялари.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши ва ҳажми. Кириш, мазмунан ўзвий боғланган бешта боб, хулосалар, 6 та жадвал, 4 та расм, адабиётлар рўйхати, 112 бетлик матнни ташкил этади.

I. Умумий қисм.

1.1. Горизонтал қудуқларни бурғилаш ҳақида маълумот

Горизонтал қудуқ деб, зенит бурчаги катта бўлган (одатда 85^0 дан катта) қудуққа айтилиб, нефт газ бераолишликни ошириш ҳамда қудуқ горизонтал участкаси стволини узунлиги билан фарқ қилади.

Умуман олганда нефт ва газ қия ёки горизонтал қудуқлар ёрдамида 1940 йилгача қазиб олиниб, то 1979 йилгача жуда кам сонли горизонтал қудуқлар бурғиланган. Одатдаги усулларда вертикал қудуқларда маҳсулдорликни ошириш ва гидравлик ёриш усули қўлланилмоқда. Горизонтал қудуқларда нефт қазиб олишни юқорилиги тик қудуқларга нисбатан юқори, лекин қатламни гидро ёриш қўлланилмаган. Шунинг учун горизонтал қудуқларни тадқиқот қилиш, уларни жойлаштириш, бурғилаш усуллари, қудуқларни тугаллаш, қудуқларни синаш, оқимни жадаллаштириш, уюмларни қия ёки горизонтал қудуқлар билан ишлаш асосий муаммоли масала ва технологик жараёнларни амалга ошириш мураккабдир.

Горизонтал қудуқларни бурғилаш 1978-1980 йиллар оралиғида жуда кам қўлланилган. Биринчи горизонтал қудуқлар экспериментал бўлиб, харажатларини юқорилиги, кўп ҳолатларда сметани ошиб кетишига олиб келган.

1989 йилгача бурғиланган қудуқларда биринчи навбатда конус шаклланишини бошқариш ва маҳсулдорликни ошириш мақсадида ётқизилган. Маҳсулдорликни оширишда уюмларни очилиш даражасини кучайтириш учун бурғиланган бўлиб бу қудуқлар орқали оғир нефтли уюмлардан нефт қазиб олинган.

“Остин чок” конларида 1990 йилгача бурғиланган қудуқлар ҳақидаги статик маълумотларга эътибор берсак, горизонтал қудуқлардан табиий вертикал ёриқларни бириктириш учун фойдаланилган.

Горизонтал қудуқларни бурғилаш соҳасини умумий саволларидан бири янги бурғилаш технологиясини қўлланилишидир. Вактлар ўтиши давомида кичик радиусли қудуқларни бурғилашни технологиясидан ўртача радиусли эгриланишли бурғилаш технологиясига ўтилди.


Қудуқларни бурғилашни эриланиш радиусини зенит бурчагини ўзгариш жадаллиги 5-10 град бўлганда 12-6 метрли радиусга мос келади. Горизонтал қудуқларни бурғилашни ўртача эгрилик радиусини ўзгариши $6-30^0/30$ м зенит бурчагини ўзгаришига мос келиб, радиуслари 290-50 метрга мос келиб, горизонтал участкасининг узунлиги 2500 метрга тенг.

1.2. Хорижий давлатларда бурғиланган горизонтал қудуқлар.

Горизонтал қудуқларни бирламчи бурғилашда кичик радиусли эгриланишида ёки горизонтал бурғилашда сарфни камайтириш ҳисобига қудуққа эга бўлиш мумкин деб қўтилган. Лекин, кўпгина қудуқларда кичик радиусли бурғилаш технологиясида қудуқларни тугаллаш имкониятини мураккаблиги ва қудуқни капитал таъмирлаш қийинчиликлар сабабли, бундай конструкция ўзини оқламаган.

Катта радиусли эгриланишда бурғиланган қудуқлар амалиётда доимий сақланиб қолган. Катта радиусли эгриланишда бурғиланган қудуқлар яъни катта чиқиндиларига эга бўлганлиги учун денгизларда бурғилашда қўлланилди.

Бундай кудукларни бурғиладда зенит бурчагини жадаллашуви 30 метрга 2-6 градусга бурилади, яъни радиус катталиги 900-300 м оралигини ташкил этади (1-расм).



1-расм. Горизонтал кудукнинг умумий схемаси тасвирланган.

Биринчи горизонтал кудук “ESSO Resources” фирмаси томонидан Коулд-Лейк (Канада) 1978 йилда бурғиланган. Бу кудук катта эгриланиш радиусида бурғиланган бўлиб, 93 метр узунликдаги горизонтал участкага эга. “ESSO” фирмаси 1986 йилда Норман Уэлс (Канада) горизонтал участкасини узунлиги 1223 метр узунликка эга бўлган горизонтал кудукни бурғилади. 1990 йилда зенит бурчакни олиши ўртача эгриланишли радиусда амалга оширилиб, кудук учун горизонтал участка бурғиланган, чуқурлиги унча катта бўлмаган юмшоқ кумтошли уюмларга бурғилаб киргизилган, горизонтал узунлиги 1753 метрни ташкил этган. Горизонтал кудукларни бурғиладда ишлари 1970-1980 йилларда Европа давлатларида ҳам бошланган (1-жадвал)

Горизонтал кудукларни бурғиладда хар хил давлатларда бурғиланиш кўрсаткичлари.

1-жадвал

Дунёда мамлакатларида горизонтал кудукларни бурғиладда ўсиш кўрсаткичи				
Бурғиладда худудлари	Зенит бурчагини олиш жадаллиги	Кудукни диаметри	Вертикал бўйича кудук чуқурлиги	Горизонтал участкани узунлиги
Абу - Даби	8°-14°/30 м	152-311 мм	1258-2751 м	153-860 м
Дания	3°-13°/30 м	152-216 мм	1834-2054 м	242-1883 м
Египет	10°/30 м	216 мм	2731-2627 м	438-492 м
Индонезия	3°-5°/30 м	216-311 мм	814-1277 м	338-459 м
Нидерландия	5°-18°/30 м	149-216 мм	1430-3595 м	20-437 м
Жанубий денгиз Норвегия маркази	3°-4°/30 м	216-311 мм	2,523-3,410 м	291-1,128 м

Жанубий денгиз Британия маркази	3°-12°/30 м	213-216 мм	1,387-3,151 м	132-896 м
Уммон	7°-15°/30 м	156-216 мм	664-1,992 м	10-1,438 м
Италия	4°-6°/30 м	216 мм	1300 м	600 м
Саудия Арабистон	4°/30 м	311 мм	1859 м	626 м
Сурия	10°/30 м	216 мм	2525 м	484 м
Буюк Британия	11°/30 м	216 мм	1387 м	884 м
Ўзбекистон	4,21°/10 м	245 мм	3851	300-500

Биринчи кудук Лакк-90 1980 йилда катта радиусли эгриланишда бурғиланган бўлиб, кудук стволи бўйича чуқурлиги 1086 метр, горизонтал участкаси 110 м. Лакк -91 кудуғи 1981 йили бурғиланиб, кудук чуқурлиги 1250 метр, горизонтал участкасини узунлиги 370 метр.

1982 йилда Роспо Маре кудуғи денгизда бурғиланиб, чуқурлиги 2316 метр, горизонтал устунининг узунлиги 600 метр. 1990 йилда горизонтал кудуклар кичик ва катта радиусларда бурғиланган горизонтал участкасининг узунлиги 2000 метргача.

Юқорида 1 чи жадвалларда келтирилган горизонтал кудуклар тўғрисида келтирилган бўлиб, қуйидаги фикрларни илгари суриш мумкин:

- кудук диаметрини кичрайтириш;
- чуқур бурғилашга ўтиш;
- зенит бурчагини олишни жадаллигини кучайтириш;
- кудукда горизонтал участкасини узунлигини кучайтириш.

Горизонтал кудукларни ўртача ва катта радиусли эгриланиш ғоясига ўтиш масаласи қизиқарлидир. Ҳозирги вақтда кўпгина бурғиланган кудукларда зенит бурчагини олиш 70-80° бўлиб, тикликдан оғишни бошланиши ўртача радиусларда амалга оширилган.

Белгиланган нуқтада кириб бориш сифатини ошириш ҳамда маҳсулдор қатламга самарали кириб бориш учун охириги босқичда горизонтал участкани олдида зенит бурчагини олиш катта радиусда амалга оширилади ва тўб двигателидан фойдаланган ҳолда қучиш бурчаклари бошқарилган.

Горизонтал кудукларни бурғилаш ишлари 2000 йилдан кейин такомиллантирилади. Горизонтал кудукларни бурғилашни замонавий йўналиши кудук диаметрини кичрайтириш ва зенит бурчагини олишни жадаллашувини кучайтиришдан иборатдир. Одатда зенит бурчакни олиш ўртача радиусда афзал ҳисобланади. Кўп тармоқли бурғилашда зенит бурчагини олиш жадаллиги 20-30°/30м ташкил этади. Горизонтал участкани узунлигини 500-1000 метрга оширишга интилиш кузатилмоқда. Бунда бурғилаш ишларини тугаллаш қисқаради ва кудукларни ўзлаштиришни тезлаштиради. Кудукларни тугаллашда очиқ ствол қўлланилади ва ёрикли тешикли кўринишдаги хвостовиклардан фойдаланилади, ҳамда кудукни тугаллашда харажатларни камайишига эришилади. Кудукни очиқ ствол билан тугаллаш технологияси кўпроқ амалга оширилмоқда. Тўпланган тажрибалардан аниқ бўлиб қолдики, агарда горизонтал ствол барқарор тоғ жинсларидан ташкил топган бўлса мустаҳкамлиги таъминланади ва оғнаб кетмайди. Цементланмаган ёки қумоқтошли тоғ жинсларини бурғилаб чиқаришда ҳозир ёрикли кўринишдаги тешикли “хвостовик”лардан фойдаланилади.

Кудукларни тугаллашда қайсидир зонасини имконият даражасида бекитиш ғояси мавжуддир. Зоналарни бекитишда цементлаш хвостовикларидан фойдаланиб амалга оширилади ёки ёриқли кўринишдаги тешикли хвостовиклардан ҳамда тизма орқаси пакерларидан фойдаланиб амалга оширилади. Кудукларни тугаллашни бундай схемасида кўп қатламли мураккаб уюмларни бир-биридан ажратиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Ҳар хил ўтказувчанликга эга ёки ёриқли уюмларда яъни тик ёриқлар бир-бирига бирлашган сувли ёки газли қисмли уюмларда ҳам юқорида келтирилган қатламларни ажратиш технологияларидан фойдаланилади.

Кудукни диаметри кудукларни тугаллаш схемасини режалаштирилиш даражасига боғлиқдир. Кудуклар диаметрини кичрайтириш технологиясини қўллаш сабабларига қуйидагилар киради:

- кудук қурилиш баҳосини мустаҳкамлаш қувурларини сарфи ҳисобига камайтириш;
- кудукни бурғилашни тармоқли усулига ўтишни кучайтириш;
- чуқур кудукларни бурғилашни қўллаш ҳажмини кучайтириш.

1.3. Россия давлатида бурғиланган горизонтал кудуклар.

Нефт қазиб олиш ва кондан нефтни тўлиқроқ олишни жадаллаштиришнинг энг самарали усулларида бири горизонтал кудуклардан (ГК) фойдаланиб конларни ишлатиш ҳисобланади.

Горизонтал кудукларни бурғилаш биринчи марта Россияда Бошқирдистон Республикасида бошланган. Красноком конида 1947 йилда кудукни тик устунидан иккита горизонтал 30 м ва 35 м ли устунлар қатламга бурғиланган.

Самара вилоятидаги Яблоновский конида 1957 йили №617 кудук бурғиланган бўлиб, горизонтал оралиғини узунлиги 145 метр бўлган.

Маълумки, бошқа турдаги кудуклар каби горизонтал кудукларни саноатда қўллаш кенг тус олмаган: шу билан бир вақтда АҚШ, Канада ва Ғарбий Европада горизонтал кудукларни бурғилаш ишлари кенг ўзлаштирилди, такомиллаштирилди ва ҳозирги кунда ўзининг ўрнини топди. 2000 йил ҳолати бўйича жаҳонда 20000 дан ортиқ горизонтал ва ён стволли горизонтал кудуклар бурғиланган.

Ўзбекистонда 2000 йилдан бошлаб фақатгина 20 тага яқин горизонтал кудуклар бурғиланган. Ҳозирги кунда Жанубий Кемачи ва Кўкдумалок конларида 11 та горизонтал кудуклар самарали ишлаб турибди.

ГК ва ГЁУ (горизонтал ён стволли) кудукларни мураккаб геологик тузилмали конларда ишлатишнинг сўнгги босқичида ҳамда қовушқоқли нефтли конларда ишлатиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Нояхлит жинсли коллекторларда ҳар хил сабабларга кўра қатламчалар ишланмасдан қолади.

Кон ва геофизик тадқиқотларни маълумотлари шуни кўрсатадики, тоғ жинси ҳар хил жинсли бўлганлиги учун қатламлардаги қатламни қазиб олинувчи ва ҳайдовчи кудуклар ёрдамида ишлатиш мураккаб олиб борилади. Шунинг учун юқори ўтказувчан қатламлар яхши ишланади.

Кудук қирқими маҳсулдор қатлам қисмининг 60% и ва ундан ҳам юқорирок қисмини ишлатишни ўз ичига олади. Сув нефт туташуви (СНТ) ва газ нефт туташуви (ГНТ) чегаралари бир-бирига яқин жойлашганлиги сабабли, тоғ

жинсини маҳсулдор қатлам қисми очилмайди. Бундай қатламларни одатдаги усуллар билан ишлатишга қўшиб бўлмайди. Агарда маҳсулдор қатлам СНТ чегарасида очилса, сувнинг тезлик билан қудуққа ёриб кириши ва газ қатламидан нефтли қатламга газнинг оқиб кириши содир бўлади.

Горизонтал нефт ва газ қудуқларини ишлатиш тажрибаларидан келиб чиқиб ҳамда эски ва самарасиз қудуқларда бурғилаб ишга қўшилган горизонтал стволлардан МДХ ва хорижий давлатлардаги фойдаланиш маълумотларидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- сизилиш майдонининг катталиги ҳамда нефт ва газ оқимининг жадаллашуви ҳисобига нефтолувчанликнинг ошиши, қатламга таъсир этишини самарадорлиги кучайиши;

- сизилиш майдонининг кенгайиши ҳисобига тик қудуқларга нисбатан нефт ва газ олиш дебитининг юқорилиги;

- нефт қудуқларидаги сувсиз ёки кам сувли даврлардан ўтиш;

- нефт конларини сўниш босқичларида маҳсулдорлаш мумкин;

- ҳаракатда бўлмаган қудуқларни ҳисобига қазиб олиш дебитини кўпайтириш имконияти;

- ер ости газ омборларини яратиш ва ишлатиш самарадорлигини кўтариш;

- нефт ва газ конларини ишлатишда бурғилаш ишлари ҳажмини камайтириш;

- ботқоқ ва ўрмонли жойларда капитал сарф-харажатларнинг ҳажмини камайтириш имкониятини мавжудлиги.

Ҳозирги пайтда хорижий давлатларда нефт ва газ конларини ишлашда асосан горизонтал қудуқлар қўлланилмоқда. Масалан, Россияда горизонтал қудуқларни бурғилаш ёрдамида маҳсулдор қатлам қалинлиги 6 метр бўлган ва захираси 4 млрд тонна нефт-газ ва нефт конларида қудуқлар қазиб ишлари режалаштирилган. Бунинг натижасида 2,5 млрд тонна оғир нефт, 2,3 млрд тонна – сув босган нефт конларидан нефт захираларини қазиб олиш кутилмоқда.

1970 йилдан бошлаб Россия давлатида кўпроқ қия – йўналтирилган қудуқ бурғилаш ишлари қабул қилина бошланган.

АҚШ ва Канада давлатларидаги 1995 йилги маълумотларига асосланадиган 334 конлар горизонтал қудуқлар ёрдамида ишлатилмоқда.

Қудуқни табиий эгрилантириш деб маҳсулдор қатламнинг белгиланган нуқтасига етиб бориш учун қудуқ стволини режалаштирилган йўналтиришда бурилишига айтилади. Табиий ҳолда қудуқ устунининг эгрилантириши – қия, горизонтал-тармоқли, кўп устунли кўринишларда бўлади.

Бундай қудуқларни кўпроқ қуйидаги шароитларда қўллаш мумкин.

- океан, денгиз, кўл, дарё ва йирик сув хавзалари тагида жойлашган нефт конларини ишлашда;

- маҳаллий рельефнинг (тоғлар, жарликлар) кучли кесишган жойларида қудуқларни бурғилашда;

- нефт ва газларнинг очиқ отилмасида ёнгинни бартараф қилишда;

- ҳайдаладиган ерларни саклаб қолиш, конни бурғилашда ва ободонлаштиришда капитал сарфланма хизмат харажатларини камайтиришда;

- тузли қатламлар тагидаги уюмларни бурғилашда ва шу кабилар.

Қия йўналтирилган ва горизонтал қудуқларни бурғилашда туб двигатели сифатида турбобурлар, винтли ва электробурли двигателлар қўлланилади. Қудуқ

ён девор устунини бурғиладда эгилтирувчи қурилмалар сифатида оғдиргичлардан фойдаланилади.

Эгилтирувчи қурилма бурғига оғдирувчи кучланиш беради. Горизонтал қудуқларни туб двигатели билан бурғиладда оғдиргич қурилмаси сифатида турбинли оғдиргичлар, винтли туб двигатели базасидаги оғдиргичлар, эгрилантериш механизмлари, копламали оғдиргичлар, эксцентрик нипелли туб двигателлари қўлланилади.

Роторли бурғиладда оғдирувчи поналар, шарнирли оғдиргичлардан фойдаланилади.

1.4. Горизонтал қудуқларни бурғиладда қўлланиладиган технологик жиҳозлар ҳақида маълумот.

Роторли усулда ва туб двигатели билан йўналтирилган бурғиладда, қудуқнинг азимут бурчаги доимий бўлганда зенит бурчагини ўзгартириш учун оғдирувчи қурилма сифатида бурғилад тизмасини пастки қисмини тўғри чизикли жамланмасига барқарорлаштиргич ва параметрли калибраторлардан ўрнатилади.

Бу мосламалар ёрдамида қудуқ стволини белгиланган (тайинланган) зенит бурчаги остида оралиғини бурғилад таъминлайди.

Горизонтал қудуқларни бурғиладда қуйидаги турдаги эгилтиргичлар таркибидан фойдаланилади:

- 1) бурғи $d=295,3$ мм, турбобурнинг битта секцияси ДСШ – 240 (А 9ГТШ, Т12РТ-240), эгилтирилган узатма ва $\varnothing 178$ ёки $\varnothing 203$ мм-ли ОБҚ;
- 2) бурғи $d=215,9$ мм-ли, ДЗ-172 ёки Д5-172 винтли туб двигатели эгилтирилган узатма, $\varnothing 178$ мм-ли ОБҚ;
- 3) бурғи $d=215,3$ мм-ли Т02-240 турбинали оғдиргич;
- 4) бурғи $d=215,9$ мм-ли, Т02-195 турбинали оғдиргич;
- 5) бурғи $d=215,9$ мм-ли, Ш01-195 шпинделли-оғдиргич, бир ёки иккита турбина секцияси, $\varnothing 195$ мм-ли турбобур;
- 6) бурғи $d=215,9$ мм ли, винтли туб двигателли шпиндел (ДЗ-172, Д5-172) эгилтирилган узатма, ишчи жуфтли двигател;
- 7) бурғи $d=215,9$ мм-ли, винтли туб двигателли шпиндел (ДЗ-195) эгилтирилган узатма, ишчи жуфтли двигател;
- 8) бурғи $d=215,9$ мм-ли, турбинали оғдиргич ТО – 172;
- 9) бурғи $d=215,9$ мм-ли, шарнирли туб двигател-оғдиргич ОШ – 172, сферик туридаги шарнир.

Йўналтирилган секцияни узунлиги бўйича – оғдиргични бурғидан то эгилтирилган узатмагача бўлган қисмлари фарқига қараб, ҳамма оғдиргичлари иккига бўлинади: эластик йўналтирувчи секцияли ва қаттиқ йўналтирувчи секцияли.

Эластик йўналтирувчи секцияли оғдиргичлар секцияли эгилган кўринишда бўлиб, туб двигателини ёки турбобур секциясини пастки қисмига ўрнатилади.

Қаттиқ йўналтирувчи секцияли эгриланган узатмалар тўғридан-тўғри шпинделнинг устки қисмига ўрнатилади. Юқорида келтирилган оғдиргичларни таркибидаги 1 чи ва 2 чи пунктлардаги оғдиргичлар эластик, 3-9-пунктлардаги оғдиргичлар эса қаттиқ оғдиргичлар ҳисобланади.

Қия йўналтирилган ва горизонтал қудукларда қудук устунини бурғиладда эгриланган узатмалар керакли элементлар ҳисобланади.

Эластик оғдиргич ҳам худди шундай узунликдаги ОБҚда қисқа қувур ҳисобланади, одатдаги узатма каби йўналтирувчи резъбаларни ўқлари билан кесишувчи ҳисобланади.

Резъба қийшиқ ҳолда 1^0-4^0 қилиб, нишпелга ёки баъзида муфтага йўнилади. Эгри узатма ОБҚ билан биргаликда 8-24 метр узунликда турбобурга ёки винт туб двигателга маҳкамланади. Эгри узатманинг мустаҳкамлигини қаттиқлиги эгиланадиган кесимда қийшайтирувчи катта момент кучини ҳосил қилиши учун бурғига оғдирувчи йўналишда куч беради.

Эгри узатмадан фойдаланилганда, стволни эгилиш жадаллиги оғдирувчи жамланманинг геометрик ўлчамларига, қаттиқлигига ва туб двигателининг оғирлигига ва унинг устига ўрнатиладиган ОБҚ га, қудук диаметрига (d), бурғилад режимига, ён томонни қирқувчи бурғининг қобилятига ва бурғиланадиган тоғ жинсининг физик-механик хоссаларига боғлиқ.

Бир секцияли турбобурли эгри узатма 40^0-45^0 гача зенит бурчагини олиш имконини беради, қисқартирилган турбобур ёрдамида 50^0-55^0 гача, калта турбобур ёрдамида 90^0 гача ва ундан катта зенит бурчакларни олиш мумкин (2-расм).

Қудук стволини ҳар 10 метрга $1-2^0$, $4-5^0$ ва $5-6^0$ гача оғдириш мумкин. Эгри оғдиргич Р-1 ни иккиталик оғдирувчи бирлаштирувчи резъбалари ёрдамида тизмага бириктирилади. Бунда эгри оғдиргич Д-1 иккита қийшиқ ҳолдаги резъбани иккита ОБҚ бўлакчасидан ташкил топган бўлиб, бирлаштирувчи резъбани ўқи бир текисликка нисбатан қийшиқ жойлашган ва уни ўқиға нисбатан битта йўналишда жойлашган. Қувур ўқининг ва пастки бириктирувчи қувурнинг ўқи билан 2^0-3^0 бурчак ҳосил қилади. Қувур ўқи ва юқори бириктирувчи резъбанинг ўзаро ташкил этган бурчаклари $2-2,5^0$ бўлади. Бу оғдиргичнинг узунлиги 4-8 метрни ташкил этади.

II. Асосий қисм.

II.1. Нефт конларида горизонтал стволли қудуқларни бурғилаш

Маҳсулдор қатламлар горизонтал стволлар билан шартли бурғиланганда уни очилиш даражаси кўп марта ошади. Натижада қудуқни дебити ҳамда қатламларнинг нефт ва газ берувчанлик коэффициенти бир неча марта ошади. Горизонтал қудуқларни қуриш натижасида уюмларда карбонсувчиларни оқиш самарадорлигини ошириш имконияти туғилади ҳамда бу усул қатламда газ оқимини келишини жадаллаштиради.

Россия давлатида биринчи горизонтал ва кўп стволли қудуқлар 1950 йилларда қурилган бўлса ҳам, маҳсулдор қатламларни горизонтал стволлар билан очиш бугунги кунда ҳам долзарб муаммолардан бўлиб турибди.

Горизонтал стволларнинг самараси бурғилаш ва тугаллаш, горизонтал қудуқларни қия ва горизонтал стволлар билан очишда қўлланиладиган техника ва технологияларнинг мос келиши билангина эмас балким геологик, газогидродинамик, иқтисодий ва бошқа масалаларни ечиш билан боғлиқдир.

Горизонтал стволларнинг қуриш учун ишлаб чиқилган техник лойиҳалар қуйидаги талабларга жавоб бериш керак:

- қудуқлардан узоқ муддат фойдаланиш мумкинлиги;
- қудуқларнинг ишлатиш жараёнида керакли тадқиқотларни амалга ошириш имкониятини мавжудлиги;
- қудуқда таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
- бурғилашда мавжуд бўлган жиҳозлардан фойдаланиш мумкинлиги.

Бундан ташқари қудуқда маҳсулдор қатламни бурғилашда ва очишда ювувчи суюқликларни ва технологияларни самарали танлаш муаммолари ечилмасдан қолмоқда.

Горизонтал кудуклар ёрдамида янги конларни очишда ва қолдиқ нефтларни қазиб олишда (Ғарбий Тошли кони) маҳсулдор қатламни самарали очиш технологиясида, кудук горизонтал стволини узунлигини асослаш муҳим масалалардан бир бўлиб турибди.

Амалий маълумотларни таҳлил қилганимизда горизонтал стволнинг узунлиги қанча катта бўлса, дебит ҳам шунча юқори бўлади деб ҳисобланган эди.

Горизонтал кудукларни ишлатиш жараёнида стволда кум-лойли тикинларни тўпланиши натижасида ишлатиш жараёнлари (масалан Россия давлатининг Ставропол ўлкаси Расшеват конида) тўхтатилган. Бундай маълумотлар Ўзбекистон горизонтал кудуклар мисолида келтирилмаган. Горизонтал кудуклардаги оқим тўғрисидаги маълумотларнинг етишмаганлиги сабабли, кудукларнинг оптимал режим ишини аниқлаб бўлмади.

II.2 Горизонтал кудукларни тугаллаш жараёнларида физик-кимёвий омилларнинг таъсирида маҳсулдор қатламда мураккабликлар ва ифлосланишларнинг пайдо бўлиш хусусиятларини ўрганиш.

Юқорида таҳлил қилганимиздек бурғилаш эритмасининг филтратлари ва каттик фазаси кудук туби атрофига ва ичкарироқ зоналарига кириб боради ҳамда эътибор қилинмайдиган жараёнлар (физик, физик-кимёвий, кимёвий, барометрик ва х.к.) таъсирида қатлам флюидлари билан реакцияланиб, ғовакликларда ўтириб қолиши туфайли қатламнинг коллектор хоссаларини ёмонлашуви содир бўлади.

Бундай ҳолда нефт ва газ коллекторларининг фильтрация хоссалари пасаяди, лойли заррачалар шишади, флюидлар билан бурғилаш аралашмасини кимёвий реакцияси содир бўлиб, сув нефт эмульсиясини блокировка қилади.

Ствол ва қатлам кудук туби зонасига дифференциал босимлартаъсир қилганда маҳсулдор қатламларни очишда мураккабликларни ва салбий ҳолатларни келтириб чиқарадиган асосий параметрлар пайдо бўлади.

Шунинг учун маҳсулдор қатламларни самарали очилиши қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- уюмнинг геологик-физик тавсифига;
- қатлам флюидларининг физик-кимёвий хоссасига;
- кудукларни тугаллашнинг ҳамма босқичларида қўлланиладиган технологик ишларни кўрсаткичлари ва тавсифларига боғлиқ бўлади;
- бурғилаш, тампоаж ва махсус аралашмаларнинг хоссасига;
- бурғилашда ва мустаҳкамлаш тизмасини цементлашда, кудукни ствол бўйича кудук тубини дифференциал босимини катталигига ва чегарасига боғлиқ бўлади;
- қатлам ва кудук стволини гидравлик боғланиш даражасига;
- гидравлик жараёнларни нобарқарорлигига.

Маҳсулдор қатламларга таъсир этувчи ортиқча репрессия мавжуд бўлса, ҳар хил флюидларни салбий таъсир этиш ҳолатининг ролини оширади ва каттик заррачалар қатламга кириб боради ҳамда ўтказувчи коллекторларни ёпиб қўяди. Юқоридаги кўрсатилган омилларда босимларни фарқи катта бўлганда кудукга тизмани тушириш – кўтариш жараёнларини мураккаблаштириб юборади.

Кудук чуқурлашганда тизмани кўтариш жараёнларида, бурғилаш тизмасини тушириш ёки кўтариш тезлиги ошганда, бурғилаш аралашмасини

статик кучланишини силжиши ва қовушқоқлиги кучайганда ҳамда қудуқ девори билан бурғилаш тизмаси орқаси оралиғидаги масофа камайганда гидродинамик босим ошади.

Қатламга кириб борган сувлар ҳар хил кўринишда салбий таъсир қилади:

- қатлам коллекторлари таркибидаги лой заррачаларини бўктиради, натижада қудуқ туби зонасининг ўтказувчанлигини кескин пасайтиради;
- сув нефт эмульсияси пайдо бўлади, бир қатор ҳолатларда қудуқ туби зонасини ўтказувчанлигини амалда пасайтириб юборади;
- сувлар ғоваклик муҳитида капилляр кучлар таъсирида ушлаб турилганда уларни ғоваклик каналларидан қисман сиқиб чиқаришга катта қийматдаги босим сарфланади;
- кам ўтказувчан коллекторларда нефтни қудуқ тубига томон ҳаракатланиши жуда қийинлашади;
- бурғилаш эритмаларининг филтратлари юқори минераллашган қатлам сувлари билан реакцияга киришади, ғоваклик коллекторларда эримайдиган чўкмалар пайдо бўлади.

Ғоваклик муҳитининг табиий физик-кимёвий хоссасининг ўзгариши нефт ва филтратнинг таркибидаги СФМ-ларнинг бўқувчи лойларнинг мавжудлиги ёки йўқлигига, қатламга репрессия таъсирига ва қатлам туби зонасининг ёмонлашувига ва бошқа сабабларга боғлиқ ҳолда юқорида санаб ўтилган омиллар бир вақтнинг ўзида содир бўлиши мумкин ёки улардан баъзи бирлари қатлам ўтказувчанлигига кескин салбий таъсир қилади.

Маҳсулдор қатламнинг ётқизикларида катта миқдордаги лойли тоғ жинслар мавжуд бўлганда, қатламни очиш жараёнига махсус ёндошиш талаб қилинади. Қудуқ туби зонасига филтратлар кириб борганда лойлар бўқади, ғовакли каналларини диаметрлари кичираяди ёки суёкликнинг оқими таъсирида лойларни силжитиши ва диспергирланиши эвазига ғовакликлар умуман ёпилиб қолади.


Лойли эритмаларни бўқишини олдини олиш учун ингибирлашган бурғилаш эритмалари қўлланилади, кўпинча уни таркибига тузли минераллар (KCl , $CaCl$, $CaCO_3$ ва бошқалар) қўшилади.

II.3. Горизонтал стволларни тугаллаш технологиясини ўрганиш

Жаҳон ва МДХ-ларида нефт ва газ қудуқларини қуриш ва ишлатиш тажрибасидан келиб чиқиб, шуни тасдиқлаш мумкинки, қудуқларни маҳсулдорлигини оширадиган истикболли йўналишлардан бири горизонтал қудуқларни бурғилаш ҳисобланади.

Қудуқларни горизонтал ствол билан тугаллашни иккита бош усуллари амалда мавжуд (1-расм):

- ствол маҳсулдор қатламда очик ёки филтр билан тугалланган бўлиб, маҳсулот тўхтовсиз равишда стволнинг филтрли зонасидан сирт юзаси бўйлаб кириб келади;
- маҳсулдор қатлам мустаҳкамлаш тизмаси билан мустаҳкамланган, цементланган ва тешилган, қудуққа оқимни кириб келиши тизмадаги унча катта бўлмаган тешиклар орқали кириб келади.



1-расм. Қудуқларни горизонтал ствол билан тугаллаш технологияси.

а – яхлит бир жинсли қатламда очик дренажли ствол; б-мустаҳкам бўлмаган қатламда дўмли, олдиндан тайёрланган ёрикли ёки перфорацияли тешикли конструкция; в-нояхлит қатламда перфорация тешикли цементланган дўмли конструкция.

II.4. Горизонтал қудуқларни цементлаб тугаллашга қўйилган талаблар

Горизонтал қудуқларни тугаллаш варианты қатламларни тури, уларни яхлитлигини, мустаҳкамлигини, флюидларни хусусияти ва бошқа омилларни аниқлаш орқали олиб борилади.

Хорижий амалиётда горизонтал қудуқларни тугаллаш жараёни тешилган потайни (кувурни ичидан кувурни тушириш) тизмалардан фойдаланиб ҳар хил вариантларда синалган: горизонтал дренажли участка мустаҳкамланмаган; потайная тизма тўлиқ цементланган; олдиндан тешилган потайная тизма қисман цементланган ёки ташқи пакер билан жиҳозланган.

Қатламда ёриқлар мавжуд бўлганда бир нечта қатламларни қирқиб ўтганда, газ дўпписи, сувли қатламлар мавжуд бўлганда, лойиҳада навбатдаги усуллардан бирортаси қўлланилади.

1. Ташқи пакерлардан фойдаланиб, очилган стволни ҳаммасини бир нечта стволларга ажратиш, танланган зонани кузатиш, зонани бойитиш, газ дўпписидан, тўлдирилган сув ёки газ пакер билан ажратиш. Пакерлар ўрнатилган бўлса, цементланмайди деган гап эмас.

2. Керак бўлганда гидроёриш ўтказилади, дўм цементланади. Катламни юқори қисмидан газ кириб келмаслиги учун газ дўпписи цементланади. Газ дўпписи цементланганда кейин горизонтал участкани қисман цементлаш тавсия қилинади, катламни гидроёрилиш содир бўлганда тўлиқ участкани цементлаш талаб қилинади.

Маҳсулдор қатламларни очишни амалга оширишда махсус қўлланилган суюқликлардан фойдаланилади. Бунда тик стволларни бурғилашда бурғилаш эритмаси қўлланилса маҳсулдор қатламни бундай эритмаларга очишда суюқликларга нисбатан жуда қаттиқ талаблар қўйилади. Талаб шундан иборатки, маҳсулдор қатлам катта ораликда очилганлиги учун, катламни ифлосланиши ҳам амалда катта бўлиб, узоқ вақт давом этади.

Замонавий техника-технологик имкониятларда бир бутун (ёки ичидан киргизилган) тизмани тушириш жуда мураккабдир. Цементлаш муҳим масалалардан бири бўлганлиги учун энг катта эътибор марказлагичларга қаратилади (қаттиқ марказлагичлар).

Мустаҳкамлаш тизмаларини цеменлашда цемент билан кувур орқаси ҳалқасидаги бурғилаш эритмаларини бир текисда сиқиб чиқаришни таъминлаш керак.

Хорижий давлатларда тизмаларни қониқарли цементлашни таъминлашда барқарорлаштиргичлар ва қаттиқ марказлагичлар, Россия давлатида эса қаттиқ марказлагичлар қўлланилади.

Цементлаш жараёнида асосий технологик параметрлар ҳар хил майдонлар бўйича тўпланган маълумотлар асосида ва геологик-физик шароитлар бўйича тўпланиб аниқлаштирилади ҳамда шунга мувофиқ ҳар бир кудук учун маълум цементлаш усуллари ва тампонаж аралашмалари танланади.

Тампонаж эритмаларига ва цементлаш технологияси қўйилган қаттиқ талаблар яхлит қатламда горизонтал канални қазишда энг четки участкаларда ёйилган бўлиши керак. Ёриқлар мавжуд бўлган фацнал – нояхлит қатлам ҳолатида бурғилаш эритмаларига қўйилган талабларни кетма – кетлиги ҳамма техник шартларни қоидалари бўйича бажарилиши керак.

Сиқилувчи бурғилаш эритмаси ва сиқувчи тампонаж эритмасини аралашиб кетмаслиги учун ажратувчи сифатида буфер суюқликларини қўллаш шарт. Буфер суюқликларини ҳажми ва уни тавсифлари шундай бўлиши керакки, бурғилаш эритмасини сиқишни таъминлаши керак. Агар уни қўлланилиши қандайдир сабабга кўра чегараланган бўлса, унда тампонаж эритмасини ҳажми кўпайтирилади.

Ишни муҳим босқичларига – цементлаш ишларини сифатини, кудукка тушириладиган асбобларни, цементлашда махсус зичламалардан фойдаланишни назорат қилиш киради.

Мустаҳкамлаш тизмасини ва цемент ҳалқасини тешишни махсус суюқликлардан ва тешгичлардан (перфораторлардан) фойдаланиб, НКҚ-да кудукка туширилади.

Хорижий давлатларида (2000 йилдан бошлаб АҚШ-да 40% нефт ва газни горизонтал кудуклар ёрдамида қазиб олиш режалаштирилган) амалда

кудукларни тугаллаш усулларда тўсувчи суюқликлардан фойдаланиб амалга оширилади, чунки бунда қатлам қудуқ туби зонасини коллекторлик хоссасини кам ёмонлаштиради. Мувозанатлашган бурғилаш қўлланилади. Асосий мақсад қудуқларни бурғилаш ва тугаллаш вақтида суюқликлар билан маҳсулдор қатламни ифлосланишидан ҳимоя қилишдир. Иккинчи мақсад – қатламга суюқликни жуда кўп йўқотилиши олди олинади.

АҚШ давлатида маҳсулдор қатламларни очишда коллектор хоссаларини сақлаб қолишга катта эътибор берилади. Бунда энг муҳим қарорлардан бири қудуқларни тугаллашда бурғилаш эритмаларини танлашдир. Бурғилаш эритмалари маҳсулдор қатламни очишда, цементлашда, тешишда, оқимни уйғотишда, ҳамда пакер устида ва уни олдида суюқлик устунини ҳосил қилишда махсус тайёрланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб махсус бурғилаш эритмалари иккита катта гуруҳга бўлинади.

1. Қудуқларни тугаллаш учун суюқликлар махсус тайёрланмаган бўлса, хоссаси талабларга мос келгунча махсус ишлов беришдан ўтказилади.

2. Қудуқларни тугаллаш учун махсус эритмалар яратилади, кўпинча аниқ ишлар учун мослаштирилади. Улар кам сув берувчанликка эга бўлади. Бундай суюқликни компонентлари нефтда, кислотада, сувда яхши эрийди ва ҳар қандай ифлосланишлардан бартараф қилинади. Суюқликларга махсус оғирлаштирувчи тизимлар ёки махсус танланган тўлдирувчига намоқоб қўшилади, қудуқларни тугаллаш жараёнида аниқ вазифаларни бажаради.

Карбонсувчил эритмалар қудуқларни тугаллаш амалиётида кенг қўлланилмоқда, чунки қатламни табиий коллекторлигини максимал таъминлайди.

Бундай эритмаларни ичида энг кўп қизиқиш нефтли асосли эритмалар (НАЭ) ҳисобланиб, дисперс муҳит сифатида нефтдан фойдаланилади ва дисперс фазо сифатини сув ташкил қилади. НАЭ-лардан иккита тури кўпроқ қўлланилмоқда: шахсан нефт асосли эритмалар ва иккинчиси тескари эмульсиялар.

Тескари эмульсия таркибида 20-75 % сув бўлиб, эритмани реологик ва фильтрация хоссасини бошқариш мумкин бўлади. Бундай эритмаларни бурғилаш жараёнида юқори ҳароратдаги реологик ва фильтрация хоссаларини яхшилаш учун модификацияли лойлар қўшилади. Тескари эмульсияли эритмаларни сув берувчанлиги нолга тенг. Намуналар тескари ювилганда сифатли эмульсияли эритмалар бошланғич фильтрация тезлигида 90-98 % эритмаларни қайтишини таъминлайди.

Нефт асосли эритмаларни ҳажмини 20 % -ини сувлар ташкил қилади. Бундай эритмаларни фильтрация ва реологик хоссаларини ушлаб туриш учун кооллоид тизимли (ҳавода оксидланган битум) материаллардан фойдаланилади.

Қудуқларни тугаллашда бўрли эмульсияларни қўллашни имконияти кенгдир. Эмульсия нефт асосида тайёрланади ва уни барқарорлаштириш учун майдаланган бўр кукунлари қўшилади. Бўрли эмульсиялар кислотада яхши эрийди, сув берувчанлиги жуда камдир. Бу эмульсиядан карбонатли

коллекторларни очишда (ҳамма вақт кислотали ишлов берилади) сув қабул қилувчан қумоқтошларни ва ҳакозо қатламларни бурғилашда қўлланилади.

АҚШ давлатида паст қатлам босимли маҳсулдор қатламларни очиш ва уни тугаллашда кўпроқ кўпиклардан фойдаланилади.

Маҳсулдор қатламларни коллектор хоссаларини самарали сақлаб қолиш учун маҳсулдор қатлам ётқизиқларини очиш усуллари қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- ўтказувчан қудуқ стволи деворларида гидроизоляция қатламларини ҳосил қилиш, фильтрация ва мустаҳкамлик тавсифлари бурғилаб очиладиган қатламлар билан қудуқ оралиғида ҳеч қандай амалда мусбат гидродинамик алоқа ўрнатмайди, манфий дифференциал босимларида ўзгарувчан технологияда чегарадан ошиб кетмайди;
- номаҳсулдор қатламларда стволни мустаҳкамлашга тайёрлаш босқичида узоқ вақт герметиклигини таъминлаш;
- қудуқларни ўзлаштириш ва ишлатиш босқичларида нефтгаз қатламларини қудуқ тубибилан гидравлик алоқасини самарали тикланиш шароитларини яратишни таъминлаш.

Юқорида мулоҳаза қилинган фикрларга асосланиб, маҳсулдор қатламларни сифатли очилишини қуйидаги нисбий кўрсаткичлар орқали баҳолаш мумкин:

1. Маҳсулдор қатлам ётқизиғи оралиқларини тўлиқ қабул қилувчанлик коэффиценти;
2. Стволни гидромеханик мустаҳкамликка синаш босими градиенти;
3. Маҳсулдор қатламларни очишда қудуқ тубини максимал дифференциал босими;
4. Қатламни нисбий геологик-физик тавсифлари ва маҳсулдор қатлам ётқизиқларини параметрлари (қатлам қалинлиги ва гидроизоляция тўсиғи, қатлам босими ва ҳарорати, солиштирма дебит, маҳсулдорлик ва гидроўтказувчанлиги, скин-фактор, маҳсулотларни сувланганлиги);
5. Қувур орқаси фазо си сувлилик қатламларини маҳсулдорлик горизонтларидан сифатли ажратиш кўрсаткичлари (цемент тошини зичлиги ва бутунлигини, баландлиги бўйича яхлитлиги, тизма орқасидан оқимни йўқлиги ёки мавжудлиги, қудуқ фильтри ва қатлам флюидлари орқали бегона сувларни кириб келиши).

II.5. Ишлатиш тизмасини цементлаш ва тугаллаш.

Тик қудуқлардаги каби мустаҳкамлаш тизмаларини цементлаш ишлари амалга оширилади. Охирги йилларда цемент аралашмаларини босим билан ҳайдаш бўйича горизонтал қудуқларни цементлашда муваффақиятларга эришилган. Бундай цементлашда горизонтал оралиқлар бутунлай тешилмайди, қисқа участкалари цементлаб тугалланади. У иқтисодий жиҳатдан самарали бўлади ва маҳсулдорлик қийматини пасайишига олиб келмайди. Очиқ стволда цементлашда асосан тешикларни катталиги

дебитларни чегаралайди. Бунда цементлашни ютуғи камчиликларига нисбатан устун бўлади.

Мустаҳкамлаш тизмасини тугаллаш, цементлаш ва тешиш амалиётда жиҳозларни танлашни ва сервис хизматини чегараланмаганлигини кўрсатади. Бундай жиҳозларни катта қисми ва хизмат кўрсатиш тик қудуқларда қўлланилган.

Қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:

- оқимни жадаллаштириш учун ишлов бериш;
- нефт қазиб олишда ишлатиш каротажини амалга ошириш;
- бекитиш;
- кўприк ва тиқин ўрнатиш;
- вақтинча ёки тўхтатиб қўйиш;
- умумий тозалаш;
- капитал таъмирлаш;
- такрорий тугаллаш вариантлари.

Қудуқларда оқимни жадаллаштиришда юқори босим қўлланилганда қудуқлар цементланиб ва тешиб тугаллангандан кейин фойдаланилади. Цементланган горизонтал қудуқларда гидроёриш усулини қўллаш ёрдамида қудуқда қатламлардаги оқимни жадаллаштириш муваффақиятли амалга оширилган. Бундай қудуқларни ишлатиш иқтисодий жиҳатдан юқори самаралидир.

Қудуқни мустаҳкамлаш ва цементлаб тугаллашда бу усулни бир нечта ютуқлари мавжуддир:

- газнефт контактини бошқариш;
- сувнефт контактини бошқариш;
- қазиб олувчи қудуқларда ҳар хил флюидларни ёриб кириш нуқталарни аниқлашга ёрдам беради;
- капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кам харажат талаб қилади;
- қудуқни бутунлай ишлатиш даври давомида стволни нураб кетишини олди олинади;
- тоғ жинси склетида оқимни жадаллашувини ва узилиб қолишини бошқариш мумкин бўлади.

II.6. Горизонтал қудуқларни перфорация қилиш технологиясини ўрганиш

Горизонтал қудуқларда зенит бурчаги 65° дан катта бўлганда кабелда “перфоратор”ларни тушириб бўлмайди. Шунинг учун горизонтал қудуқларни тешишда НКҚ тизими орқали эгилувчан кабелларда тешгичлар қудуққа олиб кирилади. “Тешгичларни” тўғри жойлаштириш учун гамма каротаж қилинади (эгилувчан тизма орқали) ёки умумий чуқурлигига белги қўйилади. Тешгичлар одатда кабеллардан фойдаланилиб туширилади,


кудукни горизонтал участкасини отиш учун отувчи каллаклардан фойдаланилади. Тешиш босим таъсирида ёки босимлар фарқи ҳисобига амалга оширилади. Отувчи каллак қўшилгандан кейин секинлик ҳаракатланади, депрессия ҳосил қилади ва отади.

“Тешиш” тугагандан сўнг тешгични кўтариш ёки жойида қолдириш мумкин. Иқтисодий жиҳатдан жойида қолдириш фойдалидир. Бундай ҳолат куйидагича изоҳланади:

- кафолатлаш учун перфораторни текшириш мумкин эмас, чунки керакли шаклда ҳамма ўқлар отилган бўлиши керак. Чунки қудуқ туби қурилмаси отилган ўқларни ёзиб олишини ишончли даражада таъминлаши керак;
 - нефт қазиб олиш жараёнида каротаж ўтказиш мумкин бўлмайди;
 - “перфоратор” нефт оқимини олишга тўсқинлик қилиши мумкин.
- “перфоратор”ни кўтариб олиш жараёни камчилик ҳисобланиб, қудуқ бекитилган бўлиши керак. Бундай ҳолат маҳсулдорликни пасайтириши мумкин. Паст депрессия горизонтал қудуқлар учун тегишли бўлиб, ҳамда бекитиш учун ва тешикларни тешиш учун фойдаланилган материалларни ювилиб чиқишини қийинлаштиради.

Тешгичларни эгилувчан тизмалар ёрдамида тушириш мумкин. Алоқа ўзатгич тизими эгилувчан тизма орқали туширилади, мустаҳкамлаш тизмасига муфтали лубликатор билан биргаликда тешгични керакли жойига ўрнатилади ва ҳаракатни амалга оширишда фойдаланилади. Горизонтал қудуқларни кўп марталик тушириш-кўтариш жараёнларини амалга ошириш талаб қилиниши мумкин. Шунинг учун тешгични узунлиги куйидагича чегараланади:

- превенторлари ўрнатилган лубликаторларни узунлиги бўйича;
 - эгилувчан тизмани бўйлама эгилиш имкониятига қараб чегараланади.
- “Тешиш” зичлигини жойлаштириш, тешгичларни ўлчамлари ва ҳақозалар, тик ёки қия қудуқларда қўлланилган тешгичлар горизонтал қудуқларда ҳам қўлланилади. Горизонтал қудуқларда тешиклар зичлигидан кам фойдаланилади, горизонтал участкада кўприклар ўрнатиш, тикин ва бошқа бекитувчи қурилмалар ўрнатиш учун тешиклар оралиғида каттароқ масофа қолдирилади. Бу афзалликни кўрсатади ва ствол зонаси атрофи кичик аҳамиятга эга эканлигини тушунтиради. Горизонтал қудуқларда тешикларни зичлиги асослаш ҳозирги кунда муаммоли масалалардан бўлиб турибди. Депрессия тешиш қудуқдаги босим қатлам босимидан паст бўлганда амалга оширилади. Бу босимни фарқи тешилган тешиклардаги тоғ жинси бўлакчаларини тозалашда фойдаланилади. Горизонтал қудуқларда қатламни ўтказувчанлиги пасайиб кетган бўлса, катта қийматдаги депрессияда тешилади. Шундай қилиб, катта депрессия маҳсулдор қатламларни ўтказувчанлиги паст бўлганда оқимни жадаллаштириш учун қатламни тешилганлигига ишонч ҳосил қилинади. Горизонтал қудуқларда тешилган, маҳсулдор қатламнинг горизонтал участкасини узунлиги 2000 метрдан юқоридир.



168 мм-ли тизмани цементлашни ҳисобий схемаси.

II.8. Горизонтал қудуқнинг горизонтал қисмини технологик жиҳози.

Горизонтал қудуқларни очик стволлар, ёриқли хвостовиклардан фойдаланиб, хвостовиклар ташки пакерлар ўрнатиб, ҳамда цементлаш ёрдамида ва ундан кейин эса тешилган хвостовиклар ўрнатиб тугаллаш мумкин. Қудуқларни тугаллаш усуллариининг қўлланилиши қудуқнинг ишига амалда таъсир қилади. Қудуқларнинг тугаллашнинг ҳар хил усуллариини ютуқ ва камчиликлари мавжуддир (9-расм).

1. Очик стволли тугаллаш усули.

Қудуқларни очик ствол билан тугаллаш технологияси унча қиймат эмас декин тоғ жинсларининг мустаҳкамлиги чегаралангандир. Бундан ташқари очик


стволли горизонтал кудукларни кучайтириш (оқимни кўзгатиш маъносида) мураккаб ҳамда кудук стволининг атрофи зонасида қазиб олиш жараёнида ёки ҳайдаш жараёнини бошқариш қийинчилик туғдиради. Олдинги даврларда бу усул кўпроқ қўлланилган, ҳозир бу усулдан жуда кам фойдаланилади.

2. Ёриқли (тирқишли) хвостовиклардан фойдаланиб тугаллаш.

Бу усулнинг асосий мақсади кудукнинг горизонтал стволини бузилишини олдини олишдир. Бундан ташқари хвостовик ҳар хил асбобларни туширишни таъминлайди, яъни НКҚ туридаги эгилувчан асбобларни горизонтал кудукка тушириш керак.

Горизонтал кудукларни тугаллашда уч турдаги хвостовиклардан фойдаланиш мумкин:

- а) тешикликлари пармалаб тешилган хвостовиклар;
- б) ёриқлар ҳар хил кенглик ва узунликда қирқилган “ёриқли хвостовиклар”;
- в) хвостовик иккита тешилган қувурлардан иборат бўлиб, уларнинг оралиқлари гравий билан тўлдирилган.



9-расм. Горизонтал қудуқларда қўлланиладиган ҳар хил филтърлар.

Ёриқли хвостовикларга танланган ўлчамдаги тешиқлар ва ёриқлар орқали кумларни кириб келишига йўл қўйилмайди. Лекин бу турдаги хвостовикларни ёриқларни кумлар билан бекилиб қолади. Зичланмаган тоғ жинсларидан кумларни атрофига метал тури ўралади. Горизонтал қудуқларда кумларни кириб келишини олдини олиш учун гравийли филтърлардан кенг фойдаланилмоқда. Гравийли филтър ҳақида кейинроқ батафсилроқ маълумот берамиз.

Ёриқли коллекторларнинг асосий камчиликлари шундан иборатки шундан иборатки, хвостовик ва қудуқни оралиғида очик ҳалқали фазо бўлганлиги учун қудуқларни самарали жадаллаштиришда қийинчиликлар пайдо бўлади.

Худди шундай қазиб олишда ва ҳайдашда мураккабликлар туғилади.

3. Қисман бекитилган хвостовик.

Ҳозирги вақтда узун горизонтал участкани бир нечта оралиқларга ажратишда хвостовикнинг ташқи томонига ташқи пакерлар ўрнатилади. Бу усулда локал изоляция зонаси таъминланади, қудуқнинг стволи бўйлаб қазиб олишни ёки жараёни жадаллаштиришни имконияти бўлади.

Амалда горизонтал қудуқларнинг профиллари ҳар хил ҳолатда эгилган ва эгриланган ҳолда бўлади.

Қудуқнинг стволида эгилган жойлар мавжуд бўлса, ташқи пакерли хвостовикларни тушириш қийинчилик туғдиради.

4. Цементланган ва перфорация қилинган хвостовиклар.

Дўмларни цементлаш ва перфорация қилиш ишлари ўртача ва катта радиусли эгриланишли қудуқларда қўлланилади. Юқорида кўриб чиқганимиздек иқтисодий тарафдан кичик радиусли қудуқларни цементлаш амалга оширилмайди. Горизонтал қудуқларни цементлашда қўлланиладиган цемент аралашмасининг таркибида сувнинг миқдори жуда кам бўлиши керак. Бундай ҳолатни шундай тушунтириш мумкинки, цемент аралашмаси гравитация кучи таъсирида эркин сув қудуқнинг юқори чўқади. Бундай ҳолат горизонтал қудуқларни сифатсиз цементлашга олиб

келади. Бундай ҳолат чиқиш учун эркин сув билан цемент аралашмасини тайёрлаш ва уни тик ҳолатда ушлаб туриб текшириб кўриш керак

2.1 Цементлаш ишларини олиб бориш бўйича қудуқ ҳақидаги маълумотлар

Битирув малакавий ишида горизонтал қудуқларда цементлаш жараёнини олиб бориш ва тугаллаш технологиясини ўрганиш бўйича Шимолий Шўртан конида жойлашган №15-Г горизонтал қудуқни мисол қилиб оламиз ҳамда цементлаш ишларини ҳисобини олиб борамиз.

1-жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	Катталиклиги
1	Қия стволнинг бошланиш чуқурлиги	3400 м
2	Қатламга киргунча қудуқнинг устидан оғиш оралиқ масофаси	140-150 м
3	Қудуқнинг стволининг йўналишини азимути	315°
4	Нефт қатламига кириш нуктаси - тиклик бўйича чуқурлик (кутиладиган) - ствол бўйича чуқурлик (кутиладиган)	3685 м 3729 м
5	Нефт қатламига кириш бурчаги	45°
6	Нефт-газ контакти чуқурлиги Нефт-сув контакти чуқурлиги	3685 м 3702 м
7	Рухсат этилган айлана радиуси	50 м
8	193.7 мм мустаҳкамлаш тизмасининг тагини бурғилаш радиуси	250-270 м
9	Ишлатиш тизмасини таянч бурғилаш радиуси	Тўғри участка 450 остида
10	Ичидан ўтадиган ствол	қуйилмайди

2-жадвал

Қудуқнинг лойихавий конструкцияси

№ Мус тиз маси	Тизманинг номи	Қудуқнинг диаметри мм	Тизманинг диаметри,мм	Деворни қалинлиги,мм	Тушириш оралиғи	Цементлаш оралиғи
					Тиклик бўйича	
1	Кондуктор	393.7	232.9	-	0-1670	Устигача
2	I оралиқ тизмаси	295.3	244.3	-	0-3400	Устигача
3	II оралиқ тизмаси	215.9	193.7	12.7	3600-3660 5300-3636	3300 м гача
4	Цементлаш тизмаси	165.1	127/139.7	-	0-3745 0-3695	Икки поғонали устигача

3-жадвал

Қўлланиладиган бурғилар ва қудуқ туби двигатели ҳақида маълумот

Ствол бўйича оралиқ м	Бурғини тури	Бурғилаш усули	Қудуқ туби двигателини маркаси
3400-3652	215.9 мм-ли уч шарошкали бурғи ёки РДС	ВТД	ДГР-178.6/7.57

3652-3744		роторли	
-----------	--	---------	--

4-жадвал

Бурғилаб ўтиладиган қирқимлар		
№	Литология	Тиклик бўйича оралик м(метр)
1	Юқори ангидридлар	3490 – 3500
2	Юқори тузлар	3500 – 3585
3	Ўрта ангидридлар	3585 – 3603
4	Қуйи тузлар	3603 – 3620
5	Қуйи ангидридлар	3620 – 3636
6	Охактошлар	3636 – 3695
7	Тиклик бўйича ҳолати ГНК СНК	3685 3702

Тайёргарлик ишлари

Горизонтал қудуқнинг қия йўналтирилган оралиғини бурғилаш учун ҳамма бурғилаш жиҳозларини ҳаммаси иш қобилияти текширилади ҳамда бурғилаш эритмасини тозалашни нормал ишини таъминлаш текширилади:

тебратиш элаги – 2 дона, қум ажраткич, гил ажраткич, бурғилаш ишларига туширувчи ускуналар, ўзгартмалар, технологик материаллар ва кимёвий реагентлар, мойлаш қушимчалари (нефт, графит). Бурғилаш эритмасига ишлов берилади, унинг таркибидаги қумнинг миқдори 0.5% дан юқори бўлмаслиги керак. Иккита бурғилаш насосларини ва унинг ҳаво берувчи компрессорларини ишга яроқли эканлигини таъминланади. Бурғилаш эритмасининг таркибидаги 1 м³ эритмага 100 – 150 кг ҳисоб билан NaCl эритмаси қўшилади.

Бурғилаш қувурлари ва БТОЖсининг ҳамма элементларини йиғишда резьбали бирикмаларини мойлашни таъминлаш, ФУМ ленталари ёрдамида ёки бошқа зичловчилар билан зичлантириш, 2 та машина калитлари ёрдамида резьбали бирикмаларни бураб маҳкамлаш амалга оширилади.

Циркуляция жараёнида қудуқдан чиқадиган бурғилаш эритмасининг ҳарорати доимий равишда назорат қилиб борилади.

Оралик тизмасининг (ф 193.7 мм) қия йўналтирилган участкасини бурғилаш

Оралик 3400 – 3652 м.

Бурғилаш жараёнини самарали олиб бориш учун бурғилаш тизмасини остки жамланмасини (БТОМ) таркибини танлаймиз. Бурғи 215.9 мм + ВТД-178, қийшайтиргични бурчаги 1.50+ Е ОБҚ 170мм + ПБҚ 114 мм (пўлат бурғилаш қувури) 9-10 свеча+ОБҚ 178 мм 25-37 м+ясс икки томонлама таъсир қилади.

Қудуққа дум шаклида ф 193.7 мм-ли оралик тизмасини туширишдан қудуқ стволига ишлов берилади.

5-жадвал

№	Бурғилаш параметрлари	Қ. Параметрлари
1	Бурғи	215.9 мм
2	Механик тезлик	0.5 – 40 м/соат
3	Бурғига бериладиган юкланма	2 – 12 м
4	Бурғини айланиш частотаси	80 – 150 ай/мин
5	Бурғилаш насосининг узатиши	25 – 35 м/с
6	Стойкадаги босим	9 – 15 МПа

6-жадвал

№	Бурғилаш эритмасининг параметрлари	
	Эритманинг номи	Гилли, тузга туйинтирилган (NaCl), полимерли
	Ствол бўйича оралик масофа	3400 – 3652
	Эритманинг зичлиги	1290 – 1700
	Қовушқоқлик, секунд	40 – 70
	Филтрланиши, см ³ /30 мин	8 – 10
	рН	9 – 10
	Нефтнинг миқдори %	7 % кичик эмас
	Графит қўшимчаси %	1 – 2

Бурғилаш ишларини қуйидаги тартибга олиб борамиз

БТОЖни 3430 – 3652 метр оралиғига бурғилаш учун туширамиз, ҳар бир 30 – 40 метр ораликда бурғилашда сарфни купайтириб қудуқ қўшимча ювилади ва квадрат узунлигига тенг бўлган чуқурликка ҳаракат берилади. Бурғилаш жараёнида қуйкумларни чиқиши назорат қилиб борилади. Агарда қуйкумларни тўлиқ чиқиши таъминланмаса, қовушқоқлиги 80 – 90 сек бўлган эритма боғлами билан қудуқ тубига бостирилади ёки роторли жамланма қудуқдаги қуйкумларни тўлиқ ювилишини таъминлаш учун сарфни кучайтириб туширилади. Бурғилаш жараёнида очиладиган қирқимларни назорат қилиш учун қуйкумлардан намуна олиб текшириб борилади. Қудуқнинг 3652 метр чуқурлигида боргандан кейин қудуқда геофизик тадқиқот ишлари олиб борилади. Қудуқ стволига ишлов берилади ва ювиш ишлари амалга оширилади, II оралик тизмаси ф193.7 мм-ли “Хвостовик” туширилади Махсулдор қатламни бурғилаш ва очиш учун бурғилаш жиҳозлари ва қудуқнинг стволи тайёрланади.

2. Ишлатиш тизмасини (ф127/139.7 мм) учаткасини бурғилаш

Бурғилаш тизмасининг остки жамланмасы

Бурғи 165.1 мм – марказлагич ф162мм (буюртмаларнинг узунлиги 0.3-0.4м, марказлагичнинг маркази бурғидан 1 – 1.20 метр ораликда жойлашади.)+ОБҚ ф183 мм спиралсимон 9 м + марказлагич ф 102 мм + ОБҚ ф 133 мм спиралсимон 9 м + ПБҚ ф89 мм ёки 101.6 мм 500 м + ПБҚ ф114 мм 1та свеча (шам) +ОБҚ 178 мм 25-37 м + зарба берувчи механизм (ЯСС) икки томонлама гидроМеханик таъсир қилувчи II SIV 165 OVO+ОБҚ 178 мм 25-37 м+ ПБҚ 114мм қолганларини хаммаси

7-жадвал

№	Бурғилаш параметрлари	Кўрсаткичлари
1	Бурғи	165.1мм
2	Механик тезлик	0.5-4 м/соат
3	Бурғига бериладиган юк	5 – 8 м
4	Роторнинг айланиш частотаси	30 – 40 ай/мин
5	Бурғи насосининг узатиш кўрсаткичи	8 – 10 л/с
6	Стоякдаги босим	4 – 10 МПа

№	Бурғилаш еритмасининг параметрлари	Кўрсаткичлари
1	Эритманинг номи	Полимерли нефтли эмулсия
2	Ствол бўйича оралиқ масофа	3652 – 3744
3	Эритманинг зичлиги	1000 – 1200
4	Қовушқоқлик, секунд	30 – 50
5	Филтрланиши, см ³ /30 фқ	3 – 4
6	рН кўрсаткичи	9 – 10
7	Нефтнинг миқдори %	15 % кичик эмас
8	Графит қушимчаси %	1 – 2

2.1 Кондаги №15 Г горизонтал қудуқда цементлаш ишларини олиб бориш.

Шимолий Шўртан конидаги №15 Г ишлатиш қудуғи кон тузилмасининг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, №3 қудуқдан Жанубий – Ғарбга 700 метр узунликда жойлашган ва қўшимча маҳсулот олиш сифатида ишга қўшилади.

Қудуқнинг конструкцияси

1. Йўналтирувчи қувур - 570 мм х 11 м мустаҳкамланади
2. Узайтирилган йўналтирувчи қувур 425 х 100 юқоригача цементланади.
3. Кондуктор - 324 х 1650 юқоригача цементланади.
4. I – чи техник қувур - 245 мм х 3510/3510,7м юқоригача цементланади.
5. II – чи техник қувур-цементланади 194 мм х 3300 – 3680/3700,4 – 3700 м тубигача
6. Ишлатиш қувури - 140мм/127мм х 3700/4646 юқоригача цементланади.

Геологик техник лойиҳага асосан қудукқа 420 мм ли қувурлар 100 метр чуқурликка туширилади ва қудукнинг юқори қисмини ғоваклигини олдини олади ҳамда 299 мм.ли қувурларни тушириш учун қудукни бурғилаш жараёнида ўпириладиган ва кўчадиган қатламларни беркитиш амалга оширилади.

2.1.1. Қудукқа 426 мм-ли узайтирилган йўлланмани тушириш ва цементлаш ишларини амалга ошириш.

Узайтирилган йўлланмани 100 метр қудук тубигача бурғилаб бўлингандан кейин 426 мм-ли қувур бирикмасини муваффақиятли туширишни амалга ошириш учун қудукни тайёрлаш ишлари бошланади.

Қудукнинг 100 метр чуқурлиги қуйидаги жамланмалар ёрдамида кенгайтирилади.

- Бурғи 490 мм; ОБҚ 203 мм х 54 м; бурғилаш қувури 127 мм,
- Бурғи 490 мм; ОБҚ 203 мм х 10 м; КЛС – 490 мм; ОБҚ 203 мм х 44 м; бурғилаш қувури 127 мм.

Қайта ишлов беришда бурғилаш эритмасининг параметри қуйидагича бўлади.

- солиштирма оғирлиги	-	1.10 – 1.12 г/см ³
- ковушқоқлиги	-	40 – 60 секунд
- сув берувчанлиги	-	10-12 см ³ /30 мин

Қувурлар бирикмасини туширишга тайёргарлик ишларини олиб бориш.

1. Мустаҳкамлаш қувурлари кўприкка ётқизилади, ҳимоя қилувчи ниппелнинг ҳалқаси олинади, резьбали солярка билан ювилади. Қувурлар кўприкка маҳкамлангандан кейин узунлиги ўлчанади, қувурларга оқ бўёқ ёрдамида саноғи ёзилади ҳамда журналга ҳар бир қувурнинг завод маълумотлари ва умумий узунлиги ёзилади.

2. Қуйидаги материаллар тайёрланади:

а) Элеваторлар 426 мм-ли	-	3 дона
б) Машина калитлари 426 мм-ли	-	3 дона
в) Диаметри 402 мм-ли шаблон	-	2 дона
г) Йўналтирувчи тикин	-	1 дона
д) Ювувчи узатма	-	1 дона
е) Калитларга сухарик	-	50 дона
ж) Каналли арқон	-	25 метр
з) Қўйирувчи потрубка	-	1 дона

426 мм-ли мустаҳкамлаш тизмасини цементлаш.

1. Тушириш узунлиги	-	100 м
2. Бурғи диаметри	-	490 мм
3. Бурғилаш эритмасининг солиштирма оғирлиги	-	$\rho = 1.10 - 1.12 \text{ г/см}^3$
4. Цемент аралашмасини солиштирма оғирлиги	-	$\rho_{\text{ц}} = 1.80 \text{ г/см}^3$

а) Цемент аралашмасининг ҳажмини аниқлаймиз.

$$V_{\text{ө.д}} = \frac{\tilde{I}}{4} [(\tilde{A}_{\text{д}}^2 \cdot 1.3 - \tilde{A}_{\text{и}}^2) \cdot 100] = 0.785[(0.490^2 \cdot 1.3 - 0.426^2)100] = 0.785(0.312 - 0.181) \cdot 100 = 10.3 \text{ м}^3$$

б) Цементнинг оғирлигини аниқлаймиз

$Q_4 = V_{\text{ө.д}} \cdot 1,216 \cdot \tilde{E}_3 = 1,05 \cdot 1,216 \cdot 10,3 = 13,15 \text{ т}$ K_3 – цементни йўқотилишини ҳисобга олувчи коэффициент $K_3 = 1,05$

в) Аралаштириш учун керакли сувнинг миқдорини аниқлаймиз.

$$V_{\text{св}} = Q_4 \cdot 0.5 \cdot 1.2 = 13.15 \cdot 0.5 \cdot 1.2 = 7.89 \text{ м}^3$$

г) Ҳайдаладиган суюқлик миқдори


$$V_{\text{ө.д.е}} = \frac{\pi}{4} (d_{\text{ө.д}}^2 \cdot 100) = 0,785 \cdot 0,404^2 \cdot 100 = 12,81 \text{ м}^3$$

д) Ҳайдовчи техникаларнинг сони.

$$n_1 = \frac{Q_4}{20} = \frac{13.15}{20} = 1 \text{ дона} \quad \text{СМН} = 1 \text{ дона}$$


$$n_2 = N1 \cdot 2 + 1 = 3 \text{ дона} \quad \text{ЦА} - 320 - 3 \text{ дона}$$

2.1.2. 324 мм-ли кондукторни 1670 метр чуқурликка тушириш ва цементлаш ишларини олиб бориш.



Шимолий Шўртан №15 Г қудуғининг лойиҳавий конструкцияси

M 1:5000



C

2.2.1.

Тайёргарлик ишларини куйидаги тартибда олиб борамиз.

1. Миноранинг ҳамма тугунларини, тал тизимининг маҳкамланиши текширилади, элеваторларни, штропни, илгакли машина калитлари, тормозлаш тасмаси, бурғилаш қувурлари дефектоскопия қилинади.
2. Чиғирикнинг ишини ишончлиги айниқса тормозлаш тизимини, насосни, дизелни, компрессорларни, арқонларни ва тасмаларни ишончлиги текширилади.
3. Қувурлар бирикмасини туширишга бурғилаш жиҳозларини тайёргарлик ҳолати текширилади.
4. Электр жиҳозларини созлиги текширилади
5. Сувнинг заҳираси 100 м^3 қилиб тайёрланади. Ишчи линиялар 80 атм-га текширилади.

Тизмани кудукка тушириш учун куйидаги материаллар тайёрланади:

- | | | | |
|---------------------|----|---|--------|
| 1. Элеватор | 12 | - | 2 дона |
| 2. Шаблон 299 мм-ли | - | | 1 дона |
| 3. Шаблон 298 мм-ли | - | | 1 дона |
| 4. Ҳайдовчи тиқин | - | | 1 дона |

5. Ҳайдовчи узатма	-	1 дона
6. Ликопчали клапан	-	1 дона
7. УМК калит билан сухариклари		50 дона
8. БК-324 бошмоқ	-	1 дона
9. Қуювчи бошча	-	1 дона
10. Понали спайдзер 12	-	1 дона
11. Канопли арқон	-	20 м
12. «Стоп ҳалқа»	-	1 дона
13. Тескари ликопчали клапан		1 дона

2.2.3. 324 мм-ли мустаҳкамлаш тизмасини тушириш

1. Қудуқнинг стволини кенг айтирилишидан олдин қудуқда ГТИ (геофизик тадқиқот ишлари) олиб бориш.

2. Қудуқ стволини кенгайтириш.

а) Бурғи 393.7 мм, ОБҚ 229 мм х 27 метр, ОБҚ 203 мм х 54 метр, бурғилаш қувури 114 мм;

б) Бурғи 393.7 мм, ОБҚ 229 мм х 10 м, КЛС-393.7 ОБҚ 229 мм х 17 м, ОБҚ 203 мм х 54 м, бурғилаш қувури 114 мм;

в) Бурғи 393.7 мм, КЛС-393.7 мм, ОБҚ 229 мм х 10 м, КЛС-393.7 мм, ОБҚ 229 мм х 17 м, ОБҚ 203 мм х 54 м, бурғилаш қувури Ø 114 мм.

Иккинчи ва учинчи жамланмалар орқали кенгайтирилгандан кейин шаблонлаш амалга оширилади.

3. Кенгайтириш ишлари 1670 метрга етгандан сўнг, қудуқни 10м³ нефт – ҳайдалади ва икки цикл давомида ювилади, унинг параметрлари қуйидагича:

$$\gamma = 1.21 \text{ л/см}^3, T = 60 \text{ сек}, C = 8 \text{ см}^3/30 \text{ мин.}$$

4. Тизма қудуққа туширилгандан кейин маҳкам тортиб мустаҳкамланади.

5. Тизма спайдердан олингандан кейин резбали бирикмаларни маҳкамлигини текшириш, ундан сўнг спайдер очилади.

6. Тизмадаги қувурларни ичига суюқлик қўйилгандан кейин ҳаракат бериш.

7. Кондукторни туширишда ҳар 150 литр суюқлик билан тўлдирилади ва тушириш бошланади, қудуқ тубигача 250 метр масофа қолганда суюқлик қўймасдан туширилади.

8. Қудуққа кондуктор туширилгандан кейин уни 10 минутдан кўп ҳаракатсиз қолдирмаслик керак.

9. Геофизик тадқиқот олиб борилгандан кейин цементлаш ҳисобини қайта кўриб чиқиш мумкин.

№15. Г қудуққа 324 мм-ли кондуктор учун оралик ҳисобини олиб борамиз.

Берилган маълумотлар

1. Тушириш чуқурлиги	-	1670 м
2. Шу чуқурликдаги қатламнинг босими	-	168 кгс/см ²
3. Цемент ҳалқасини юксизланиш коэффиценти	-	K-0.35
4. 1670 метр чуқурликдаги ҳарорат	-	58 °С.
5. Заҳира коэффиценти		
- ортиқча ташқи босим	$n_1 = 1 / 1.3$	
- ортиқча ички босим	$n_2 = 1.52$	
- қирқувчи юкланиш	$n_3 = 1.6$	
6. Цемент аралашмасининг зичлиги	-	1.60 г/см ²
7. Олдинги 426 мм. тизмани тушириш чуқурлиги	-	78 м
8. “Стоп” ҳалқани ўрнатиш чуқурлиги	-	1650 м.

1. Ортиқча ички босимни аниқлаймиз.

$$P_{\epsilon, \sigma} = \frac{D_{\epsilon \Delta \Delta}}{a^S}; S = 0.1 \cdot 10^{-3} \cdot 0.65 \cdot 1670 = 0.102; e^S = \frac{(2 - 0.108)}{2 - 0.108} = 1.11$$

$$P_{\epsilon, \sigma} = \frac{168}{1.11} = 151 \text{ кгс/см}^2$$

2. Максимал ортиқча ички босим

$$P_{ич,мах} = 1.1P_{к,у} = 1.1 \times 1,51 = 166 \text{ кгс/см}^2$$

3. Цементлаш чуқурлиги

$$L = Z = 1670 \text{ м}$$

см²

$$P_{\hat{e}^+} = [1,1 \cdot D_{\hat{e}^+} \cdot 0,1 \cdot (\rho_{\hat{p}\hat{n}} - \rho_{\hat{n}}) \cdot \hat{I}] \cdot (1 - \hat{E}) = [1,1 \cdot 1,51 - 0,1 \cdot (1,1 - 10) \cdot 1670] \cdot (1 - 0,35) = 97 \text{ кгс/}$$

4. Ташки ортиқча босим

$$a) L = 0 \quad P_n = 0$$

$$б) Z = L = 1660 \times 9$$

$$D_{\hat{o}\hat{a}\hat{o}} = 0,1 \cdot D_{\hat{o},\hat{a}} \cdot \hat{I} \cdot (1 - \hat{E}) = 0,1 \cdot 1,6 \cdot 1670 \cdot 0,35 = 173 \text{ кгс/см}^2$$

$$D_{\hat{o}\hat{a}\hat{o},\hat{i}\hat{o}} = D_{\hat{o}\hat{a}\hat{o}} - D_{\hat{e}^+} = 173 - 97 = 76 \text{ кгс/см}^2$$

2.2.5. Кондукторни цементлаш ҳисоби.

Берилган маълумотлар асосида ҳисобни олиб борамиз

- | | | |
|--|---|------------------------|
| 1. Тушуриш чуқурлиги | - | 1670 м |
| 2. Цементни кутариш баландлиги | - | устига |
| 3. Узайтирилган Ø 426 мм тизмани тушуриш чуқурлиги | - | 78 м |
| 4. Цемент стаканининг баландлиги | - | 20 м |
| 5. Тампонаж аралашмасини солиштирма оғирлиги | - | 1.60 г/см ³ |
| 6. Цементлаш 1670 – 0 м гелцемент ёрдамида амалга оширилади. | | |

1. Гельцементли аралашманинг ҳажми

$$V = 0.785[(0.430^2 \cdot 1070 + 0.410^2 \cdot 62 + 0.425 \cdot 110 + 0.394 \cdot 350 + 0.406^2 \cdot 78) - 0.324^2 \cdot 1670 + 0.302^2 \cdot 20] = 95.62$$

2. Ўқотилишни ҳисобга олиб қудуқ массасининг миқдорини аниқлаймиз

$$Q_{с,и} = 95,62 \cdot 0,976 \cdot 1,05 = 98 \text{ м}$$

$$\text{шундан: цемент} \quad 98 \cdot 0,80 = 78,4 \text{ м}$$

$$\text{тўлдирувчи} \quad 98 \cdot 0,20 = 19,6 \text{ м}$$

3. Аралаштириш учун сувнинг миқдори

$$V_{с,в} = Q_{с,и} \cdot K \cdot \frac{C}{C} = 98 \cdot 0,8 \cdot 1,2 = 94,08 \text{ м}^3$$

4. Ҳайдовчи суюқликнинг ҳажми

$$X_{\hat{o}\hat{a}\hat{e}} \left(\frac{\pi}{4} \cdot \hat{A}_{\hat{e}^+}^2 \cdot Z \right) \cdot \hat{E} (0.785 \cdot 0.302^2 \cdot 1650) \cdot 1.03 = 121.68 \text{ м}^3$$

5. Цементлаш техникаларининг сони

$$\text{СМН-20 } N = \frac{Q_{\hat{n},и}}{n} + 1 = \frac{98}{20} + 1 = 6 \text{ дона}$$

$$W = 2 \cdot n + 1 = 2 \cdot 6 + 1 = 13$$

Шундан:	ЦА 320	-	6 дона
	AGF-700	-	5 дона
	БМ-700	-	1 дона
	СКЦ-2М	-	1 дона

2.2.4. 245 мм-ли техник тизманинг ҳисоби (15 Г қудуқ)

Берилган маълумотлар

- | | | |
|--|---|------------------------|
| 1. Газ қудуғи | - | 3400 м |
| 2. Қудуқнинг туби | - | 3400 м |
| 3. Цементнинг кўтарилиш баландлиги | - | устига |
| 4. Тампонаж аралашмасининг зичлиги (P _ц) | - | 1.60 г/см ³ |
| 5. Кондукторни тушириш узунлиги (L _п) | - | 1670 м |

6. Катлам босими ($P_{кат}$)	-	263 кгс/см ²
7. Маҳсулдор катламнинг шипини чуқурлиги	-	3640 м
8. Сикувчи суюқликнинг зичлиги (P_c)	-	1.0 г/см ³
9. Гидростатик устун суюқлигининг зичлиги	-	1.1 г/см ³
10. Бурғиладан аралашмасининг зичлиги ($P_{б.а}$)	-	1.22 г/см ³
11. Кудуқларнинг захиравий коэффиценти (n)		
а) пачоқланишга		$n_1 = 1.0$
б) ички босимга		$n_2 = 1.15$
в) ташқи парчаловчи босимга		$n_3 = 1.75$

Кувурни босимга ҳисоблаймиз

1. Максимал ички босим (газ пайдо бўлгандан кейин кудуқ туби ёпиқ бўлади)

$$H=L \text{ бўлганда, } \dot{E}_{\dot{e} \cdot z} = \dot{E}_{\dot{e} \dot{a} \dot{o}} - 0,1 \cdot \rho \cdot (L - z)$$

$$Z=0 \text{ бўлганда, } \dot{E}_{\dot{e} \cdot z} = [\dot{E}_{\dot{e} \dot{a} \dot{o}} - 0,1 \cdot \rho \cdot (L - z)] / e^s$$

$$\text{Бу ерда } e^s = \frac{2 - S}{2 + S}; S = 0,1 \cdot 10^{-3} \cdot \rho \cdot H; Z = L = 3400 \text{ бўлганда}$$

$$P_{ичз} = 263 - 0,1 \cdot 10 \cdot (3640 - 3400) = 239 \text{ кгс/см}^2$$

$$Z = 0 \text{ бўлганда } S = 0,1 \cdot 10^{-3} \cdot 1,1 \cdot 3400 = 0,374.$$

$$e^3 = \frac{2 + 0,374}{2 - 0,374} = \frac{2,374}{1,626} = 1,44 \quad P_{ичз} = P_{ичку} = 263 \div 1,44 = 182,6 \text{ кгс/см}^2$$

2. Тизмани герметикликка синаш босими.

$$P_{опр} = P_{ичку} \cdot 1,1 = 182,6 \cdot 1,1 = 200,86 \text{ кгс/см}^2$$

3. Газ пайдо бўлишидаги минимал ички босим

$$P_{ичз} = 0,7 \cdot P_{кат} \cdot z$$

$$\text{Бунда } z = 0 \text{ } P_{ичз} = 0, \text{ бўлганда, } z = 3400 \text{ м бўлса, } P_{ичз} = 0,7 \cdot 263 \cdot (3400 \div 3640) = 172 \text{ кгс/см}^2$$

4. Ташқи ортикча босим:

А) Сатҳ пасайишидаги ютилиш ҳолати учун

$$h = H_{ишн} - \frac{P_{кат} \cdot 10}{K_{\partial ак}} = 3640 - \frac{263 \cdot 10}{1,05} = 1135 \text{ м}$$

$$P_{\partial \dot{a} \dot{o} \cdot b} = 0,1 \cdot h \cdot \rho_{\dot{a} \dot{n}} = 0,1 \cdot 1135 \cdot 1,1 = 125 \text{ кгс/см}^2$$

б) цементлашни тугалланишидаги ташқи босим

$$\dot{E}_{\partial \dot{a} \dot{o} \cdot \dot{a} \dot{d} \cdot z} = 0,1 (\dot{E}_{\dot{a} \dot{a}} - \dot{E}_{\dot{a} \dot{d}}) \cdot Z$$

$$z = 0, P_{таш.ер.z} = 0. Z = L = 3400 \text{ м бўлганда } P_{таш.z} = 0,1 \cdot (1,60 - 1,22) \cdot 3400 = 117 \text{ кгс/см}^2$$

в) цемент аралашмасини қотгандан кейин газнефт пайдо бўлишида

$$P_{таш.ер.z} = P_{таш.z} - P_{ич.z}, \text{ бу ерда } P_{таш.z} = 0,1 \cdot p_{гс} \cdot z$$

$$z = 0 \text{ } P_{таш.ер.z} = 0 \text{ бўлганда } z = 3400 \text{ м.}$$

$$P_{таш.ер.z} = 0,1 \cdot 1,1 \cdot 3400 - 0,7 \cdot 263 \cdot (3400 \div 3640) = 203 \text{ кгс/см}^2 \text{ } z = 2000 \text{ м бўлганда,}$$

$$P_{таш.ер.z} = 0,1 \cdot 1,1 \cdot 2000 - 0,7 \cdot 263 \cdot (2000 \div 3640) = 119 \text{ кгс/см}^2$$

5. Ортикча ишчи босим

$$P_{ич.ор.z} = P_{апр} + 0,1 \cdot p_{с} \cdot z - P_{таш.z} \text{ } z = 0, P_{ич.ор.z} = P_{апр} = 227 \text{ кгс/см}^2 \text{ } z = 3400 \text{ м бўлганда}$$

$$P_{ич.ор.z} = 227 + 0,1 \cdot 1,0 \cdot 3400 - 0,1 \cdot 10 \cdot 3400 = 193 \text{ кгс/см}^2$$

Кудуқ усти ёпиқ бўлганда газ пайдо бўлишидаги $Z = L = 3400$ метр чуқурликдаги ортикча ички босимни аниқлаймиз.

$$P_{ич.ор.z} = 263 - 0,1 \cdot 10 \cdot 3400 = 97 \text{ кгс/см}^2$$

Шимолий Шўртан конидаги №15 Г кудуқдаги 245 мм-ли техник тизмани цементлаш ҳисоби.

Берилган маълумотлар:

1. Тушириш чуқурлиги	-	3400 м
2. Цементни кўтариш баландлиги	-	устига
3. Катлам босими 3640 метрда – 263кгс/см ²	-	$T = 112^\circ\text{C}$
4. 324 мм-ли тизмани тушириш чуқурлиги	-	1670 м
5. Цемент стаканини баландлиги	-	20 м
6. Гельцемент аралашмасининг солиштирма оғирлиги		$P_{ц} = 1,60 \text{ г/см}^3$

1. Цемент аралашмасининг ҳажми

$$V_{\text{с.д}} = 0,785 \left[(0,295^2 \cdot 529 + 0,320^2 \cdot 602 + 0,310 \cdot 259 + 0,33^2 \cdot 340 + 0,300^2 \cdot 1670) - 0,245^2 \cdot 3400 \cdot 0,222^2 \cdot 20 \right] = 94$$

2. Йўқотилиш ҳисобга олингандаги қудуқ цемент миқдори

$$Q_{\text{д}} = V_{\text{с.д}} \cdot 0,976 \cdot \hat{E} = 91,72 \cdot 0,976 \cdot 1,05 = 94 \text{ м}$$

$$\text{шундан: цемент} \quad 94 \cdot 0,80 = 75,2 \text{ м}$$

$$\text{лой} \quad 94 \cdot 0,20 = 18,8 \text{ м}$$

3. Аралашма учун сувнинг ҳажмини аниқлаймиз

$$V_{\text{с.в}} = (94 \cdot 0,8) \cdot 1,2 = 90,24 \text{ м}^3$$

4. Ҳайдовчи суюқликнинг ҳажми

$$V_{\text{хай}} = 0,785 \cdot (0,222^2 \cdot 2247 + 0,227^2 \cdot 230 + 0,225^2 \cdot 152 + 0,223^2 \cdot 751) \cdot 1,03 = 135,5 \text{ м}^3$$

5. СМН – 20 сонини аниқлаймиз

$$N_1 = \frac{Q_{\text{к.у.}}}{q} = \frac{94}{17} = 6,05 \text{ дона}.$$

6. ЦА-320 - 7 дона

AGF-700 - 1 дона

БМ-750 - 1 дона, СКЦ-2М - 1 дона

$$N_2 = 6 \cdot 2 + 1 = 13 \text{ дона}.$$

7. Ҳайдашнинг энг сўнггидаги босим

$$P = 0,1 \cdot (1,60 - 1,22) \cdot 3400 + 0,02 \cdot 3400 + 31 = 228 \text{ атм}.$$

III. Атроф муҳит муҳофаси.

III.1. Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш.

Табиат муҳофазаси, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, иш билан биргаликда ер ости бойликларидан энг муҳим муаммолардан ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ва техника – технологияларнинг глобаллашуви даврида давлатимиз электро – энергетик базамизни кучайтириш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда газ қазиб кўрсаткичларини ўсиб бораётганлиги ҳамда нефт маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиб кетаётганлиги сабабли ер ости бойликларимиздан комплекс равишда оқилона тежамкорлик билан фойдаланиш ва уларни асраш ва ҳимоя қилиш олдимизда турган муаммоларидан биридир.

Давлатимизда Олий мажлис томонидан минерал хом ашёлардан фойдаланишни яхшилаш, ер ости ва ер усти бойликларини геологик қидирув ишларини жадаллаштириш бўйича кенг миқёсдаги программаларни амалга ошириш масаласи қўйилган. Бу программада ер ости ва ер усти бойликларилан оқилона фойдаланиш таъминлаш ва тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича бир қатор қонунлар ишлаб чиқилмоқда.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилишнинг бош йўналишларидан бири тежамкорлик билан фойдаланиш, тоғ қон қидирув ишларини, бурғилаш ва қонларни ишга туширишни илмий асосланган режалар асосида амалга ошириш керак бўлади.

Ер ости бойликларини ва атроф муҳитнинг муҳофазаси муаммолари ерларни, ер уст ива ер ости атмосферани ҳимоя қилиш билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб, саноатнинг нефт газ тармоқларида бундай муаммоларнинг бош масаласи сифатида қуйидагиларни кўриб чиқиш мумкин:

а) бойликларни жойлашувини комплекс геологик ўрганиш, нефт ва газ, ва шунга йўлдош бўлган фойдали қазилмаларнинг захираларининг сифатли ва миқдори тўғрисида асосланган маълумотларни олиш;

б) қонларни қидириш ва ишлатиш жараёнларида отилмалар, очик фавворалар, қатлам ичра ва қудуқ ичра оқимларни оқиб кетиши жараёнларида нефт ва газ захираларини йўқотилишига йўл қўймаслик;

в) қазиб олинган нефтни, йўлдош газни ва табиий газларни конденсатни ишлатиш жараёнида, тайёрлашда ва нефт-газни сақлашда йўқолишига йўл қўймаслик керак;

г) кам ҳаражат сарфлаб нефт, газ ва конденсат ҳамда бошқа йўлдош фойдали қазилмаларни захираларини қазиб олишни максимал кўрсаткичига эришиш;

д) бурғилаш, ишлатиш, қудуқларни тадқиқотлаш, нефт ва газни ер ости сақлагичларини қуриш ва ишлатиш даврида ифлосланишига, захарланишига, деформация бўлишига йўл қўймаслик керак.

III.2. Нефт ва газни қидиришда муҳофаза қилиш тадбирлари.

Ер ости бойликларини ҳимоя қилиш тадбирлари нефт ва газ қудуқларини қазил, қонларни ишлатиш ва фойдаланишда асосий технологик жараёнларининг энг муҳим элементлари ва таркибий қисми ҳисобланади. Бу тадбирлар асосан ишлаб чиқариш жараёнларини самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга ҳамда

нефт, газ ва конденсатни тўлиқ қазиб олиш ва зарарсизлантиришга йўналтирилгандир.

Нефт ва газ бойликларидан фойдаланишда бойликларни сақлаш ва самарали фойдаланишнинг муҳофаза қилинишининг энг асосий тадбирларига қуйидагилар киради.

Нефт ва газ геологик қидирув ишларини олиб борилишида тасдиқланган лойиҳанинг мавжудлиги бўлиб унинг энг муҳим таркибий қисми геологик-техник наряд ҳисобланади. Бу ҳужжатларга қуйидагилар киради:

Нефт ва газ қудукларни бурғилаш жараёнида отилмаларни, очик фаввораланишларни, грифон шаклланнишларни, қудук деворини оғнаши, юувчи суюқликларни ютилишини ва бошқа турдаги мураккабликларни олдини олиш чоралари ва тугаллаш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқилади.

Бунинг учун қудуклардаги нефтли, газли ва сувли ораликларни бир-биридан сифатли ва ишончли ажратиш, тизмаларни герметиклигини таъминлаш ва цементлаштиришни юқори сифатда амалга ошириш зарур.

Бундай жараёни амалга ошириш учун қудукнинг стволини кондуктор, оралик тизмаси, ишлатиш тизмаси билан мустаҳкамланади ва цементланади.

Қудукларда газ нефт пайдо бўладиган зоналарнинг очилиши олдиндан кўриб чиқилади ҳамда қидирув майдонлари ва объектларидаги газ ва газконденсатли конлардаги, аномал юқори қатлам босимли конлардаги бурғилаш қурилмалари бурғилаш ишларини бошлашгача захира юувчи суюқликларни миқдори билан ва отилмага қарши жиҳозлар билан (превентор қурилмасининг қар плашкасини превентори билан биргаликда, бурғилаш қувурларини плашкалари) таъминланади.

Превенторларни ўрнатиш ва бошқа ҳолатларда уларнинг миқдорини геологик шароитларга боғлиқлиги нефт қазиб олувчи бирлашмалар ёки геологик бошқармаларнинг келишув қарорларига мувофиқ ўрнатилади.

Қудук устига кондуктор ёки мустаҳкамлаш оралик тизмаси туширилгандан кейин превентор ўрнатилади.

Қудук устига превенторни ўрнатиш нефт қазиб олувчи ташкилотни нефт ва газ фаввораларини олдини олиш ҳар бирлаштирилган қисмининг келишув қарорига асосан ўрнатилади.

Бундан ташқари ҳар бир бурғилаш қурилмаси бурғилаш асбобларини намунавий ўлчамларига мос келадиган сиқувчи тесқари клапанлари билан таъминланаши керак.

Бурғиланаётган, синаш ва ишлатиш босқичида бўлган қудукларни қуйидаги қурилмалар билан таъминланиши керак:

- а) қудук устини ишончли герметикланганлиги;
- б) тўғри ва тесқари ювишни амалга ошириш;
- в) керакли қарши босим ҳосил қилиб газланган юувчи суюқликни тоза суюқликга алмаштиришни имкониятининг мавжудлиги;
- г) қудук усти герметикланганда қарши босим остида ювишда қудукдаги босимни назорат қилиш;
- д) отма тизим орқали қудукдан суюқликни ёки газни чиқариб қудукдаги босимни пасайтириш;
- е) газнефт пайдо бўлган ҳолатда қатламга бериладиган қарши босимни бошқариш;

ж) кудукда тўпланган газ ёки нефтни хавфсиз узокликдаги масофага қатлам флюидларини, куйкумларни ёки юувчи суюқликларни атроф муҳитга таъсир этиш ҳолатларининг олдини олиш;

з) превенторларни калоннага ўрнатиш учун оралиқларни монтаж қилишда резъбаларни махсус елимлар (УС-1) ёрдамида сўрков ишлатрини амалга ошириш;

к) очик фаввораланишда кудук устини олдиндан герметиклаш учун мосламасини ўрнатишда, муфтани ости қисмида мустаҳкамлаш тизмасида 0,3 метрдан кичик бўлмаган масофа бўлиши керак, унга эса отилмага қарши жихозлар ўрнатилади.

Кувурнинг орқа фазосидаги ўтказувчан қатламлар сифатли бекитилганда суюк ва газларнинг бир қатламдан иккинчи қатламга ёки атмосферага чиқишини, коллектор хоссаларини ёмонлашувини олди олинади ва ҳар хил мураккабликларда бурғилаш ишларини олиб бориш таъминланади.

Махсулдор қатламларни сифатли ажратишни асосий усулларида бир кувур орқа оралиғини цементлашдир.

Мустаҳкамлаш тизмаси бир-бири билан кудукнинг тизма каллаги билан маҳкамлангандан кейин кудукда ўзлаштириш ва синаш ишлари амалга оширилади. Мустаҳкамлаш тизмасининг ташқи томонидан кувурлар оралиғига сув ҳайдаб босим билан сиқиб текширилади.

Мустаҳкамлаш тизмасини, тизманинг каллагини ва цементланган фазонинг герметиклиги опрессовка қилиб текширилади.

Агарда юувчи суюқлик сув билан алмаштирилганда 30 дақиқа давомида суюқликни оқиши ва газни ажралиб чиқиши кузатилмаса, тизма герметик ҳисобланади. Сиқувчи босимнинг қиймати 7 МПа бўлганда босим 0,5 МПа камайса тизма герметик ҳисобланади.

Ҳамма турдаги қидирув кудукларининг ишлатиш тизмасининг герметиклиги синаш, намуна олиш ёки ишлатиш даврида кудук устидаги босим амалда атмосфера босимидан юқори бўлади. Шунинг учун ҳар 40-50 метр оралиғида қатламдан суюқликни чақиришда суюқлик сатҳини пасайиши қайтадан текширилади.

Конструкциянинг герметиклигига ва мустаҳкамлаш тизмаларини чидамлигига ҳамда газ ва газконденсат кудукларининг маҳкамланиш сифатига газни, нефтни ва нефт маҳсулотларини ер остидаги омборларидан фойдаланиш жараёнидаги кудукларга юқори талаблар қўйилади.

Кудукларни тизмаларидаги бирлашган жойларини герметиклаш учун Р-2, УС-1 сўрковлардан фойдаланилади ҳамда муфтанинг резъбаси ўрамларини тизмани туташ жойларининг сиртлари металл ишловдан ўтказилади.

Кудукнинг дебети 500 минг м³/кун бўлганда кудукни кичрайтирилган 145 мм-дан кичик бўлган бурғилар билан бурғиланганда, газни дебети юқори бўлганда (325 мм гача) катта диаметрларда бурғиланганда ва бошқа техник ва технологик тадбирларда кудукнинг герметиклигига юқори талабалар қўйилади.

Биринчи навбатда кудукларда юқори объектлари бурғиланганда, пастда жойлашган горизонталарни бурғилашда, юқоридаги ишлатиш объектларига суюқликларнинг кириб боришини олдини олиш чора тадбирлари кўрилиши керак. Махсулдор қатламларни очиш ва ўзлаштиришда кудук туби зонасининг коллектор хоссаларини лойланишига ёки бурғилаш эритмасининг фильтрация бўлишига йўл қўйилмайди. Бунинг учун сифатли юувчи суюқликлардан фойдаланиш, юувчи суюқликларнинг коллектор билан контактлашув вақтини максимал даражада

кискартириш, қатламга коллекторга асосланмаган қарши босимни ошиб кетишига йўл қўйилмайди.

Қудукларни консервация ва тугатишдаги ишларга юқори аниқликдаги муҳофаза қилиш талбалари қўйилади.

Қудукларни синашда ишлатиш тизмалари ўрнатилган бўлса, тугатиш ишлари қуйидаги тартибда олиб борилади:

а) кучсиз нефт ва газ пайдо бўлган ораликларда ёки қатламларда, нефт маҳсулотлар пайдо бўлса, цемент кўприги ўрнатилади. Ҳар бир цемент кўпригининг баландлиги 20÷30 метр бўлиб, мос ҳолда қатламнинг усти чегараси ва туби чегарасининг ораликларидан юқори бўлиши керак.

Охирги объектдан юқори синашда 50 метрдан кичик бўлмаган цемент кўприги ўрнатилади.

б) мустаҳкамлаш тизмаларини олишга фақат газ ва газоконденсат уюмлари мавжуд бўлмаганда чучук сувларни ифлослантирувчи босимли минераллашган мавжуд бўлмаганда рухсат этилади;

в) тугатилган қудукнинг усти қисми цемент сальники, ўлчамлари 1х1х1 м бўлган бетонли тумба ва репер билан жиҳозланади ва майдоннинг номи, корхонанинг номи, қудукни бурғиловчини номи, бурғилаш тугатилган кун ёзилади.

Қудукларни консервация қилиш усули муддатнинг катталиги ва қатлам босимининг аномаллигига боғлиқ бўлади. Агарда консервация муддат 3-ойгача бўлса, бундай ҳолатда қудукка цемент кўпригини ўрнатилади, қудук ичига нефт асосли юувчи суюқлик бостирилади, қудук туби зонасини жойланишига рухсат этилмайди. Аралашманинг зичлиги қудукда қатлам босимига нисбатан 5 . . . 10% юқори бўлган босим ҳосил қилиш керак.

Қудук стволининг энг юқори қисми одатдаги шароитда қудукни 30 метр оралиғида суюқликни музлашига (саярка, кальций хлор эритмаси) йўл қўймаслиги керак.

Тизмаларнинг герметиклиги бузилганда грифонларнинг пайдо бўлиши, қатламларда бир-бирига оқимларни кириб келиши, очик фаввораланиш ва бошқа йўл қўйиб бўлмайдиган ҳалокатларни келтириб чиқариш мумкин.

Ишлатиш тизмаларини энг самарали химоялашнинг чораларидан бири, тизмалар оралиғини пакерлаш ва уни коррозияга қарши ингибитор қўшимчали буфер суюқликлари билан тўлдириш керак.

